

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 75.04.051 (575.4)

УМИРОВ КАРИМ АВАЗОВИЧ

МАВЗУ: ТУРКМАНИСТОН УРФ-ОДАТЛАРИ. ТЎЙ МАРОСИМИ.


5A150800 – РАНГТАСВИР (ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР)

МУТАХАССИСЛИГИ

**магистракадемик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

проф. Икромжонов А.Т.



**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтини Тасвирий санъат факультети “Рангтасвир (дастгоҳли)”
мутахассислиги битирувчи магистранти Умиров Карим Авазовичнинг
“Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими” мавзусидаги
магистрлик диссертациясига ички тақриз**

Диссертацияда ўзбек ва туркман рассомлари ижодида миллий урф-одат ва анъаналар талкини муаммолари ўрганилган. Унинг “XX-XXI аср бошлари Туркменистон миллий урф-одатлари ва рангтасвир санъати” номли бобида Туркменистон этномаданияти ҳақида маълумот, Туркменистон рангтасвир санъати ривожланиш босқичлари ва миллий анъаналар ифодасининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишида туркман миллий маданиятининг тутган ўрни тадқиқ этилган.

Диссертациянинг “Замонавий ўзбек ва туркман рангтасвирида миллий маданият талкиларининг ўзига хос жиҳатлари” номли иккинчи бобида ўзбек рангтасвир санъатида миллий анъаналар талкиларининг услубий жиҳатлари, Ўзбекистон-Туркменистон маданий алоқалари ва туркман рангтасвир санъатида миллий маданият талкиларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Унда туркман ва ўзбек рассомларининг миллий анъаналар талкинига муносабати тадқиқ этилган.

Магистрлик ишнинг “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” деб номланган. Унда “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” мавзусидаги асар композицияси устида ишланган жараёни ва асарда туркман халқи тўй маросими талкиларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хулоса қисмида миллий анъаналарнинг тасвирий санъатдаги талкиларининг бадиий ва илмий хусусиятлари, талкин ва рассом ижодий услубининг миллий анъаналар талкинига таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Магистрлик диссертациясида айрим имловий ва услубий хатолар мавжуд. Аммо, бу ишнинг савиясига таъсир кўраётган. Диссертация магистрлик диссертациясига қўйилган талабларга жавоб беради.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тасвирий санъат факультети “Рангтасвир (дастгоҳли)” мутахассислиги битирувчи магистранти Умиров Карим Авазовичнинг “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими” мавзусидаги магистрлик диссертациясини тугалланган деб ҳисоблайман ва уни ижобий баҳога тавсия этаман.


**“Тасвирий санъат тарихи
ва назарияси” кафедраси мудири**



Мазкур тадқиқот иши Дастгоҳли рангтасвир кафедрасида бажарилган.
Ушбу кафедранинг 2018 йил 20-июнь даги 111 - сонли мажлисида ҳамда
Тасвирий санъат факультетининг 20 _____ йил _____ даги _____ сонли
факультет кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчилар:

Ички такризчи: “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедраси
муdiri С.Курбанов 

Ташқи такризчи: Ўз РФА Санъатшунослик институти с.ф.н. З.Алиева 

Магистратура бўлими бошлиғи: Н.Алиева 


Дастгоҳли рангтасвир

кафедраси муdiri:

 Э.Хайитов

Диссертация

илмий раҳбари:

 А.Икромжонов

Ҳимоя 2018 йил 3 июль соат 9 да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Тасвирий санъат факультети	Магистрант – К.Умиров
Дастгохли рангтасвир кафедраси	Илмий раҳбар: проф.Икромжонов А.
2017-2018 ўқув йили	Мутахассислиги – Рангтасвир (дастгохли рангтасвир)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Uzb: Диссертацияда ўзбек ва туркман рассомлари ижодида миллий урф-одат ва анъаналар талқини муаммолари ўрганилган. Диссертациянинг “XX-XXI аср бошлари Туркменистон миллий урф-одатлари ва рангтасвир санъати” номли бобида Туркменистон этномаданияти ҳақида маълумот, Туркменистон рангтасвир санъати ривожланиш босқичлари ва миллий анъаналар ифодасининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишида туркман миллий маданиятининг тутган ўрни тадқиқ этилган.

Диссертациянинг “Замонавий ўзбек ва туркман рангтасвирида миллий маданият талқинларининг ўзига хос жиҳатлари” номли иккинчи бобида ўзбек рангтасвир санъатида миллий анъаналар талқинининг услубий жиҳатлари, Ўзбекистон-Турманистон маданий алоқалари ва туркман рангтасвир санъатида миллий маданият талқинларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Унда туркман ва ўзбек рассомларининг миллий анъаналар талқинига муносабати тадқиқ этилган.

Магистрлик ишининг “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” деб номланган. Унда “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” мавзусидаги асар композицияси устида ишлаш жараёни ва асарда туркман халқи тўй маросими талқинининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хулоса қисмида миллий анъаналарнинг тасвирий санъатдаги талқинларининг бадиий ва илмий хусусиятлари, талқин ва рассом ижодий услубининг миллий анъаналар талқинига таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Рус: В диссертации изучено узбекские и туркменские художники имеющие давние национальные традиции. «XX-XXI веков туркменского националистического обычая и художественное искусства» была опубликована в Туркменском национальном научно-исследовательском институте литературы, Туркменском национальном научно-исследовательском центре литературы, который был показан в Туркменистане с целью выражения качеств художественных художников и национальных традиций.

Во второй главе диссертации изученна “Особенность в национальной культуре в современной живописи Узбекистана и Туркменистана “С целью объединить культурные отношения между Узбекистаном и Туркменистаном. В нём изображена Туркменские и Узбекские художники изучают национальные традиции.

Магистрская работа является «Свадебная церемония ,традиция Туркменистана». Внём Свадебная церемония и традиция Туркменистана композиционна раскрыта.

В заключение было предоставлена национальная традиция как влияло на искусство и научных характеристика национальных традиций, таланта и художественного стиля национальных традиций.


Eng: Uzbek and Turkmen artists with long national traditions have been studied in the thesis. "XX-XXI centuries of the Turkmen national custom and art" was published in the Turkmen National Research Institute of Literature, the Turkmen National Research Center for Literature, which was shown in Turkmenistan to express the qualities of artists and national traditions.

In the second chapter of the thesis, "The special feature in the national culture in modern painting of Uzbekistan and Turkmenistan" is studied with the aim of obliging the cultural relationship between Uzbekistan and Turkmenistan. It depicts Turkmen and Uzbek artists studying national traditions.

The master's work is "The Wedding Ceremony, the Tradition of Turkmenistan". Вемём The wedding ceremony and tradition of Turkmenistan is compositionally revealed.

In conclusion, the national tradition was shown to influence art and scientific characteristics of national traditions, talent and artistic style of national traditions.

Илмий рахбар



проф. А.Икромжонов.

Магистрант

К.Умиров

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
I. БОБ. XX-XXI АСР БОШЛАРИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА РАНГТАСВИР САНЪАТИ.....	14
1.1. Туркменистон этномаданияти ҳақида маълумот.....	14
1.2. Туркменистон рангтасвир санъати ривожланиш босқичлари ва миллий анъаналар ифодасининг ўзига хос хусусиятлари.....	22
II. БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН РАНГТАСВИРИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	27
2.1. Замонавий ўзбек рангтасвир санъатида миллий анъаналар талқинининг услубий жиҳатлари.....	27
2.2. Ўзбекистон-Туркменистон маданий алоқалари ва туркман рангтасвир санъатида миллий маданият талқинларининг ўзига хос хусусиятлари.....	44
III. БОБ. “ТУРКМАНИСТОН УРФ-ОДАТЛАРИ. ТЎЙ МАРОСИМИ РАНГТАСВИР АСАРИ” ДЕБ НОМЛАНГАН АСАРИ ВА УНДА АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНИ.....	58
3.1. “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” мавзусидаги асар композицияси устида ишлаш.....	58
3.2. Асарда туркман халқи тўй маросими талқини.....	62
ХУЛОСА.....	71
Фойдаланган адабиётлар.....	74

КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши барча соҳаларда катта ислохотларнинг олиб борилишини тақозо этди. Бадий ҳаётни миллий ғоя талабларига асосланган ҳолда йўналтириш орқали ёшлар тарбиясида ватанпарвалик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш, бадий таълимни ислоҳ қилиш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилди.

Глобаллашув шароитида инсон диди, эстетик дунёқарашини тарбиялаш ҳар қандай миллатнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш долзарб муаммо даражасига кўтарилмоқда. Маънавий маданиятнинг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланган тасвирий санъатнинг бунда муҳим аҳамият касб этади. Гўзалликни ҳарким ўз дунёқараши ва ҳиссиётларида турлича кўради. Ижодкорасарларида воқеликни ўз дунёқараши махсули бўлган фантазияси, мавзуга бўлган ёндашуви натижасида қайта акс эттиради. Фан техника юксак тараққий этиб ривожланаётган замонавий санъат даврининг тезкор ҳаётини акс эттириш билан бирга уни талқин этишда турли услублар ва жанрларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Собиқ тузум парчалангач унинг ўрнида пайдо бўлган барча давлатлар санъати миллий ўзига хусусиятлар талқинига алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий Туркманистон рангтасвир санъатида миллий анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар талқинининг ўзига хос кураши нафақат халқ миллий маданияти тарғибига, балки миллий рангтасвир санъатининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига оли келди. Рангтасвирда ғоя, ранг, шакл тушунчаларининг янги мезони вужудга келди.

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг бошларида ўзбек рангтасвири турли мавзу ва жанрлар билан бойиб, ўзига хос услублар асосида

йўналишлар пайдо бўлди.Реалистик йўналишда ижод қилган рассомлар билан бирга авангард йўналишда ҳам қатор ижодкорлар фаолият юрита бошладики, бу миллий авангард йўналиши сифатида ўзбек рангтасвирининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.Ушбу ижодкорларнинг кенг қамровли ижодий фаолиятини ўрганиш, рангтасвирдаги ўзига хос услубини тадқиқ этиш ва асарларини таҳлил қилиш орқали рассомларнинг замонавий ўзбек миллий тасвирий санъатининг бугуни ва эртасида тутган ўрнига баҳо бериш долзарб мавзулардан бири саналади. 1930 йиллардан шаклланиб келаётган ва Ўзбекистон рангтасвир мактабининг ривожланишида ўтган давр мобайнида қатор рассомларнинг ижодида, хусусан П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедовлар ижодида рангтасвир санъати ўз миллий хусусиятларига эга бўлди.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигидан иборатки, бугунги кунда Ўзбекистон замонавий рангтасвирида анъанавий маданият талқини кенг ва барча йўналишларда кўзатиш мумкин. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон рангтасвирида анъанавий маданият кўриниши алоҳида ўринга эга ва шу билан бирга Ўзбекистон замонавий рангтасвирида Ғарб анъаналарининг аксини ҳам кўришимиз мумкин. Бу ўринда урф-одатлар ва унинг тасвирий санъатдаги тўлиқ акс этмаган тарихий таҳлили замонавий рангтасвир санъатида миллий анъаналар талқинини алоҳида объект сифатида ўрганиш, унда миллийлик ва ғарб классикасининг ўрнини баҳолаш лозим эканлигини кўрсатдики, бу санъат соҳасида долзарб вазифаларидан бири эканлигинитасдиқлади. Шу маънода анъанавий маданиятнинг миллий рангтасвир феноменида тутган ўрни, анъаналари ва уларнинг замонавий рассомлар авлоди ижодига таъсири, уларнинг янги тенденциялар билан бойишига кўрсатаётган таъсирини санъатшунослик нуктаи назаридан таҳлил этиш, замонавий рассомлар ижодида анъана ва услубий

изланишларни таҳлил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулоса чиқариш магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарб эканлигини кўрсатади.

Мавзу бўйича илмий адабиётлар шарҳи. Замонавий Ўзбекистон санъатининг ўзига хос жиҳатлари, тасвир ва талқиннинг ривожланишидаги ўзгаришлар, янги жанрлар ва тасвирий услубларнинг ўзига хос жиҳатлари санъатшунос олимлар томонидан илмий ўрганилган. Мавзуни тўлақонли ёритиш мақсадида унга алоқадор бўлган бир қатор илмий манбалар билан танишиб чиқилди. Ўзбекистон тасвирий санъати реализм йўналишининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлди. Зеро, XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонга кириб келган рассомлар ижодида манзара ва маиший жанрдаги асарлар яратилди. Б.В.Веймарн¹, В.Чепелев², А.Умаров³, Л.Жадова⁴, Р.Такташ⁵, Д.Саидова⁶, В.Л.Лаковская⁷, Л.В.Шостко⁸, Т.Махмудов⁹, Н.Ахмедова¹⁰, А.Эгамбердиев¹¹, Н.Абдуллаевларнинг илмий изланишлари, А.Хакимов ва Б.М.Никифоров¹², А.Подковыров¹³ қатор санъатшунос олимларнинг мавзуга доир илмий мақолаларида ўз аксини топган.

А.Умаровнинг “Портретная живопись Узбекистана” илмий изланишларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг портрет жанри хусусиятлари, ушбу жанрда юксак натижаларга эришган ижодкорлар,

¹Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии. – М.-Л.: Искусство, - 1940 г.

²Чепелев В. Искусства Советского Узбекистана. Л.: 1935

³ Умаров А.Р. Портретная живопись Узбекистана. Т.: 1968

⁴ Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. Т.: 1962

⁵ Такташ Р.Х. Изобразительное искусства Узбекистана (вторая половина XIX – 50 гг. XX в.), Т.: 1972

⁶ Саидова Д. Историко-революционный жанр в живописи Узбекистана. Т.: 1977

⁷ Лаковская В.Л. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. Т.: 1991

⁸ Шостко Л.В. Оганес Татевосян. М.: 1969 г., Путями творческих исканий (о художниках-юбилярах), - «Звезда Востока», 1960, № 8,

⁹ Махмудов Т. Эстетика живописи Узбекистана. Т.: 1983

¹⁰ Ахмедова Н.Р. Проблема художественных традиций на современном этапе развития живописи Узбекистана (60-е-первая половина 80-годов). Автореферат диссертации кандидата искусствоведения. – Ленинград: 1988; Живопись Центральной Азии XX века: традиция, самобытность, диалог. Т.: 2004

¹¹ Эгамбердиев А. Жанровая живопись Узбекистана. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, -1989 г.

¹² Никифоров Б.М. Павел Петрович Беньков. –Москва: Искусство, 1967 г.

¹³ Подковыров А. Выставка работ художников Узбекистана.- «Литература и искусство», 1941, №1; Творчество Урала Тансыкбаева.- «Литература и искусство Узбекистана», 1941, №2

хусусан, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов ва бошқа қатор рассомларнинг ижодида портрет жанрининг ўзига хос жиҳатлари, образ яратишда миллий характер хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувлар тадқиқ этилган.

Р.Х.Такташнинг “Изобразительное искусства Узбекистана (вторая половина XIX – 50 гг. XX в.)” монографиясида Ўзбекистон тасвирий санъатининг XIX аср ва XX асрнинг 50 йилларида ривожланишдаги асосий хусусиятлар, жанр, мавзу, услубий изланишларнинг рассомлар ижодидаги ўзига хослиги санъатшунослик нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этилган.

Д.Саидованинг “Историко-революционный жанр в живописи Узбекистана” монографиясида Ўзбекистон рангтасвир санъатида тарихий-инкилобий мавзу талқинларининг хусусиятлари тадқиқ этилган бўлса, В.Л.Лаковскаянинг “Послевоенная станковая живопись Узбекистана” илмий изланишлари Ўзбекистон тасвирий санъатида дастгоҳли рангтасвир жанрининг ривожланишига асосий тенденциялар илмий ўрганилган.

А.Эгамбердиевнинг “Ўзбекистон маиший рангтасвири” монографиясида маиший жанрнинг ривожланиш муаммолари хронологик жиҳатдан санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса, Т.Махмудовнинг “Эстетика живописи Узбекистана” монографиясида Ўзбекистон тасвирий санъатининг эстетик, бадиий-ижтимоий хусусиятлари фалсафий жиҳатдан илмий тадқиқ этилган.

Н.Аҳмедованинг “Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатида бадиий анъаналар муаммоси (1960-1980 йилларнинг биринчи ярми)” номли авторефератида кўрсатилган давр тасвирий санъатида реализм йўналиши ва рангтасвир санъатида миллий хусусиятларнинг ривожланиш муаммолари тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларининг дастлабки ўн йиллиги ҳақидаги “Ўзбекистон санъати” китобида санъатнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берилиб, замонавий тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, услубий ривожланиш жараёнлари ижодкорлар фаолияти мисолида изоҳланади.

Санъатшунослик фанлари доктори Н.Аҳмедованинг “Живопись Центральной Азии XX века: традиция, самобытность, диалог” илмий тадқиқотида ўтган асрда Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичлари, уларга таъсир кўрсатган омиллар, замонавий тасвирий санъат тур ва жанрларининг ҳудудда жойлашган давлатлардаги ривожланиши қиёсий-таҳлилий жиҳатдан илмий ўрганилган. Тадқиқотда Турманистон рангтасвир санъати хронологик тадқиқ этилган.

Ўзбекистон тасвирий санъатига бағишланган ушбу илмий тадқиқотларда рангтасвир санъати ривожланиши, рассомлар ижодидаги хусусиятлар жанр ва мавзу нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, ўзбек халқ анъанавий маданиятининг рангтасвирдаги ифодаси, Ўзбекистон тасвирий санъатидаги элементлари, жанрлари, рассомлар ижодидаги услубий ўзгаришларда этномаданий элементлар алоҳида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Туркманистон миллий урф-одатларнинг рагтасвирдаги талқини санъатшунослик нуқтаи назариядан тадқиқ этилмаган.

Танланган мавзунинг мақсади Туркманистон рангтасвирида халқ анъанавий маданияти талқинининг ўзбек миллий рангтасвири ривожланишидаги ўрни, мустақиллик даврида замонавий ўзбек тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилиш, ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, мазкур йўналишда ижод қилган рассомларнинг ижодий шаклланиш босқичларини таҳлил этиш орқали биринчи марта туркман урф-одатларининг рангтасвирдаги талқини илмий тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг вазифалари мақсаддан келиб чиқиб қуйидагича белгиланди:

- Мавзуга алоқадор бўлган фактологик манба ва адабиётларни тўплаш, илмий изланишлардаги маълумотларни умумлаштириш, юзага келган фикрларни системалаштириш;

- Халқ анъанавий маданияти намуналарининг рангтавирдаги ифодаси ва унинг миллий рангтавир санъати ривожига қўшган хиссасини таҳлил этиш;
- Замонавий рангтавирининг анъаналари ва унинг бугунги кундаги янги тенденцияларини шаклланишида халқ анъанавий маданиятининг бадиий,эстетик ўрнини ўрганиб чиқиш;
- Рассомларнинг ижодидаги услубий ўзгаришларини таҳлил этиш орқали уларнинг ижодий шаклланиши таъсир кўрсатган асосий факторларни аниқлаш , хусусан халқ анъанавий маданиятининг қайси жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда ва уларнинг ижодларини босқичларга ажратиш;
- Рассомлар ижодида миллийлик ва замонавийликнинг услубий ўзига ҳослигини таҳлил этиш;
- Туркман рассомлари ижодида миллий анъаналар ва урф-одатлар талқинининг бадиий ва илмий хусусиятларини ўрганиш;
- Миллий урф-одатлар талқинининг ўзбек ва туркман рассомлари ижодидаги талқинларини қиёсий ўрганиш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон ва Туркменистон рангтавир санъатида анаъанавий маданият талқинининг шаклланиш босқичлари диссертациянинг объектини ва рассомлар ижодидаги услубий изланишлар,янги тенденциялар диссертациянинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон санъатшунослик илмида тасвирий санъатнинг ривожланиши хусусиятлари тадқиқ этилгани ҳолда диссертацияда миллий рангтавир санъати ривожланиши ва тараққиётида халқ анъанавий маданиятининг ўрни биринчи марта илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Диссертацияда Ўзбекистон ва Туркменистон рангтавир санъатида халқ анъанавий маданияти талқинларига мурожаат ва уларнинг миллий рангтавир санъати ривожланишидаги аҳамияти, замонавий тасвирий

санъатда вужудга келган янги тенденциялари хронологик тахлил этилди. Мавзуга оид тўпланган материаллар тахлил этилиб, халқ анъанавий маданиятининг ўзбек ва туркман рангтасвир санъатидаги талқинлари рассомлар ижоди мисолида қиёсий тадқиқ қилинади, улар ижодидаги ўхшашлик ва фарқлар, услубий изланишлардаги ўзига хослик илмий ўрганилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача таснифи. Диссертацияда ўзбек ва туркман миллий рангтасвир санъатида анъанавий маданият талқинига мурожаат, унинг ривожланиш муаммолари комплекс методга таянган ҳолда умумлаштирилди. Ўзбекистон ва Туркменистон рангтасвир санъатида этномаданият талқинларининг асосий элементлари ва жиҳатлари, замонавий тасвирий санъатдаги янги тенденциялари тахлилида аналитик, эмпирик ва системали методдан фойдаланилди.

Диссертацияда маҳаллий санъатшунос олимларнинг XX аср XXI бошлари рангтасвир санъати масалаларига бағишланган тадқиқотлари, мақолалари, рассомлар каталоглари ва бошқа мавзуга оид материалларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертацияси таркибининг қисқача таснифи. Ушбу магистрлик диссертациясининг иш структураси: кириш, учта боб, олтита бўлим, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Иллюстрациялар илова қилинади.

I. БОБ. XX-XXI АСР БОШЛАРИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА РАНГТАСВИР САНЪАТИ

1.1. Туркменистон этномаданияти ҳақида маълумот

Миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизматқилади.

Туркменистон худуди қадимда Аҳоманийлар давлати, Александр истилосидан сўнг вужудга келган Салавкийлар давлати, Парфия, ЮнонБактрия подшолиги, Эфталийлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Тоҳарийлар давлати, Сомонийлар, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати, Мўғуллар давлати таркибида бўлган. XIV асрнинг 70-80-йилларидан Туркменистон худуди Темурийлар тасарруфига ўтган. XVI аср охири – XVII асрда Хива ва Бухоро хонликларига қарам бўлди, бир қисми Эрон таркибига ўтиб қолди. 1869-85 йилларда Туркменистон худудини Россия босиб одди. 1917 йиллар ноябр-декабрда совет ҳокимияти ўрнатилди, 1918 йил 30 апрелда Туркистон мухтор совет социалистик республикаси ташкил этилгач, Туркменистоннинг асосий қисми унинг таркибига кирди. 1924 йилда Ўрта Осиёда «миллий давлат чегараланиши» деб аталган бўлиб ташлаш сиёсати натижасида 1924 йилда 27 октябрда Туркменистон ССР ташкил топди ва СССР таркибига киритидди. Шундан кейинги йилларда туркман халқи КПССнинг қишлоқ хўжалиги.ни жамоалаштириш, мамлакатни индустриялаш сиёсати ва қатағонлар

азобукубатларини тортди. 1991 йил октябрда Мустақиллик ҳақида декларация қабул қилинди, мамлакат Туркманистон деб атала бошлади. Туркманистон 1992 йилдан БМТ аъзоси, 1993 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган.

Адабиёти халқ оғзаки ижодиётидан бошланган. Ўрта Осиё халқларининг муштарак асари бўлмиш «Китоби дадам Қурқут» ўғуз элати ҳаётини тасвирлайди. «Шоҳсанамғариб», «Саёт ва Ҳамро», «Гўрўғли», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» каби дostonларнинг туркман вариантлари кенг тарқалган. XVI асрда туркман шоирлари назм тилини халқ тилига яқинлаштирдилар. Махтумқули адабиётда янги йўналишни бошлаб берди. XVIII охири — XIX аср бошларида Дурди Шоир, Саидий, Зилолий, Мискинқилич, Андалиб, Шайдойи, Озодий, Ғойибий, Камина туркман адабиёти ривожига катта ҳисса қўшдилар. XIX асрда яшаб ижод этган туркман шоирлари ижодида лирика етакчи жанр бўлди. Асл муҳаббатни мадҳ этувчи «Зухро ва Тохир» дostonининг муаллифи Муллонафас туркман адабиётидаги лирика жанрининг ёрқин намояндасидир. XX аср 20-йилларида бадиий насрчилик ривожлана бошлади. Шоир ва ёзувчилардан Ёқуб Носирли, Б. Кербобоев, Н. Сарихонов, А. Дурдиев, Х. Деряев, драматурглардан А. Карлиев, Б. Омонов ва б. адиблар ҳикоя, қисса, роман ва пьесаларида халқ ҳаёти, қувонч ва ташвишларини ҳаққоний тасвирлашга интилдилар. 1934 йилда Туркманистон ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. 1928 йилдан ёзувчиларнинг ойлик адабийбадиий журнали нашр этила бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари туркман адиблари босқинчиларга қарши халқ нафратини ифодаловчи назмий ва насрий асарлар яратдилар. Жумладан, Ё. Носирлининг «Лейтенантнинг ўлими», П. Нурбердиевнинг «Ватанпарвар чол» дostonлари, Қ. Сейтлиевнинг шеърлари, Д. Холдурдининг «Оқхалатли қиз» дostonи ва бошқа асарларда уруш ва

туркман халқининг фронт орқасидаги фидоийлиги ўз аксини топган. Урушдан кейинги туркман адабиётида тинчлик учун кураш, одамлар ўртасидаги муносабат асосий мавзу бўлди. 1950йилларда А. Отажонов, М. Саидов, К. Қурбоннапасов, А. Хайдов ва бошқа адабиётга кириб келдилар. 1960—70-йиллардан йирик насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллади. Қилич Қулиевнинг «Қора карвон», Беки Сейтоқовнинг «Биродарлар», Х.Деряевнинг «Қисмат» романлари ва бошқа яратди. Б.Кербобоев, Х.Исмоилов, М.Гарриев, К.Тангриқулиев, А.Боймуродовлар болалар адабиётига қизиқарли асарлари билан ҳисса қўшдилар.

XX асрнинг 2-ярмида йирик насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллади. Б. Худойназаров, А. Курбонов, О. Окмамедов, Я. Маметйев, Т. Жумагелдиев ва бошқа адибларнинг романлари босилиб чикди. А. Муродов, У. Абдуллаев, Ж. Аллаков, Р.Ражабовлар адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида баракали ижод қилдилар. Бошқа халқлар адиблари, жумладан, ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини туркман тилига таржима қилишга катта аҳамият бериб келинди.

Турманистон ҳудудида қадимги манзилгоҳлар (Ашхобод яқинидаги Жайтун ва Пассажиктепа) қолдиқлари сақланиб қолган. Бундан ташқари, йирик қишлоқларнинг қолдиқларини ҳам учратиш мумкин (Намозгоҳтепа, Улуғтепа, Олтинтепа). Турли даврларда мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарлар (Марвдаги Эркқалъа, Каушут яқинидаги Элкентепа) вужудга келган. Мил. V-VII асрларда хом ғишт ва пахсадан қўрғонлар, 2 қаватли кўшклар қурилди. XI –XII асрларда шаҳарларда масжид, мадраса, карвонсарой, тимлар, мақбаралар, турар жой маҳаллалари барпо этилди. Абу Сайд мақбараси, Абулфазл мақбараси ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Пишиқ ғишдан маҳобатли иморатлар қурилиб, томи гумбаз шаклида ишлана бошлади. XII асрда биноларни безашда бир томони сирланган ғишт ва қошиндан фойдаланиш раам бўлди. Мақбаралар ўзига хос меъморий шаклда бунёд этилган. Марвдаги Султон Санжар

мақбараси, Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбараси, Фахриддин Розий мақбараси, Султон Такаш мақбараси ва бошқалар сиркорлик ва нақшкорлик усулида серҳашам безатилган. Марвдан Хоразмга бориш йўлидаги Оқчакалға, Чошқалға, Дояхотин карвонсаройи ички ҳовлисининг 4 томони пешайвонли қилиб қурилган.

XIV-XV асрларда Темурийлар даври меъморлигига хос маҳобатли ва пештокли бинолар қурила бошлади. XIX аср 2-ярмида Красноводск, Ашхобод, Чоржўй, Байрамали, Қизиларвот каби янги шаҳарлар пайдо бўлди. Аммо кўчманчи қабилалар ҳамон кигиз ўтовда яшар эди. XX асрнинг ўрталаридан туркман меъморлари уйжой қурилишида иссиқ иқлим шароитини қисобга ола бошлаган бўлсалар, 1948 йил Ашхобод зилзиласидан сўнг шаҳарсозликнинг Туркменистон учун алоҳида усуллари ишлаб чиқдилар. 1960-1970 йиллар меъморлигида содда шаклларга интилиш кучайди, 1970-1980 йилларда меъморлик билан безак санъатини бирга қўшиб, атрофдаги манзарага мослашув тамойиллари устунлик қила бошлади. Бадиий ҳунармандликда кулоллик (VIII асрдан қолипаки нақшланган сирсиз сопол идишлар), бадиий тўқув, заргарлик, гиламдўзлик ривожланган. Айниқса, XVIII—XX асрларда геометрик шаклли нақшлар билан безатилган кизил, жигарранг, така, салор, ёвмут гиламлари бадиий киммати билан машҳур бўлган. Замонавий тасвирий санъат Туркменистонда XIX асрнинг 2-ярмида пайдо бўла бошлади. Н.Н.Каразин, К.С.Мишин, Назар Ёвмутий туркманлар турмушининг ижтимоий жиҳатларини ифодалашга ҳаракат қилдилар.

XX асрнинг 20-йилларида «Шарқ санъати зарбдор мактаби» очилгач, Туркменистонда профессионал бадиий таълим йўлга қўйилди. Шу мактабда таҳсил олган Б. Нурали, С.Н.Бекларов, кейинчалик уларнинг сафига қўшилган Ю.П.Данешвар, И. Кличев, А. Ҳожиев, А. Қулиев, Н. Хўжамуҳамедов, А. ва Ч. Омонгелдиевлар тасвирий санъатни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшдилар. XX асрнинг 2-ярмида туркман

бадий санъатида графика, дастгоҳ гравюраси, натюрморт, автопортрет, театр ва кино безакчилиги каби жанрлар ривож топди. Истиқлол йиллари Туркменистон тасвирий санъатида миллийликка эътибор кучайди. Дастгоҳ рангтасвири, графика, маҳрбатли ҳайкалтарошлик ривожланди. Кекса авлод вакиллари И. Кличев, А. Алмамедов, шунингдек, Ш. Акмуҳаммедов, А. Муҳаммедов, Я. Байрамов, Ж. Амандурдиев, Ч. Амандурдиев, Г. Гусейнов, А. Муродалиев, К. Нурмуродов ва бошқалар самарали ижод қилмоқдалар. Чунончи, Ш. Акмуҳаммедов ижодида ўтмиш билан ҳозирги куннинг узвий боғлиқлигини кўрсатиш, миллий эстетик тамойилларни ифодалаш, Я. Байрамов ижодида дадил новаторлик, атроф муҳитни, умуман ҳаётни фалсафий талқин қилишга интилиш сезилади. 1939 йилда Туркменистон Рассомлар уюшмаси ва 1994 йилда Миллий Бадий академия ташкил этилган.

Анъанавий шакллари қадимий эроний элатлар мусиқа ижоди ҳамда туркўғиз қабилаларининг мусиқа анъаналари негизида қарор топган. Парфия пойтахти Нисо, Марғиёна пойтахти Марв, Сарахсдан топилган археологик ёдгорликлари исломгача бўлган мусиқа маданияти (мусиқа чолғулари) ҳақида тасаввур беради. Салжукийлар давлати даври (XI—XII-асрлар)да туркманларнинг мусиқа маданияти раванқ топди. Туркман халқ кўшиқлари орасида деҳқон жамоалари ҳаётига хос мавсум маросим кўшиқлари («Йилан ойни», «Чемче гелин», «Химмил», «Хешелле»), шунингдек, оилавий маросим ва маиший («Хушрой», «Эдемэкрэм», «Ўлан», «Азади», «Чапак», «Зикир», «Хувди», «Аги») кўшиқлари, байрам ва сайилларда аёллар ижро этадиган «Ляле», «Маврике» каби жанрлар кенг ўрин олган. Мусиқа чолғулари орасида қад. хизлавук, жулжул, гопуз (чангкўбиз) ҳамда пуфлама туйдуклар, доирасимон депрек, дутор ва ғижжаклар мавжуд. Айниқса, туркман дутор куйлари (Қирқлар, Салтиқдар, Муқамлар) шакли мураккаблиги, нолаларга бойлиги билан ажралиб туради. Миллий профессионал мусиқа йўллари туркман бахши ва

созандалар ижодида намоён бўлади. Бахшилар дутор (дутор ва ғижжак, баъзида гаргитуйдуклар) жўрлигида қаҳрамонлик ва ишқий мавзудаги («Гўрўғли», «Нежеб ўғлон», «Саёт ва Ҳамро», «Шоҳсанам ва Ғариб» каби) дostonларни маҳорат билан, махсус куйлаш усулларида кенг фойдаланиб ижро этадилар. 1929 йилда Ашхободда бадиий техникум мусика бўлими билан бирга очилди.

Илк туркман композиторлари А. Кулиев, В. Мухатов, Д. Овезовлар етишиб чикди. 1929 йилда симфоник оркестр, 1934 йилда хор, 1941 йилда Опера ва балет театри ташкил этилди. 1941-1945 йилларда «Зухро ва Тохир», «Шоҳсанам ва Ғариб» опералари, «Алдар кўса» балети яратилди. Композитор А.Шапошников билан В. Мухатовнинг «Камина ва қози» ҳажвий операси, М.Равич билан Н.Мухатовнинг «Зўраки табиб» балети, А.Кулиев, А.Шапошников, В.Аҳмедовнинг оркестр учун ёзган концертлари 1950-1960йиллардаги туркман мусикасининг ютуғи бўлди. 1970-1980йилларда туркман мусикаси услубида янги силжиш содир бўлди. Композиторлардан Ч.Нуримов («Гармселнинг ўлими», «Қўхитанг фожиаси» балетлари, симфоник концертлари), Н.Холмамедов (вокал кўшиклари), А.Агажиков («Сўна» ва «Тахдикали тун» опералари, «Феруза» балети), Р. Оллаёров (оратория ва симфониялари) янги ифода усулларида фойдаландилар. Ч.Ортиқов, Д.Нуриев каби ёш композиторлар ижод кила бошлади. Ижрочилар орасида дирижёр Х.Аллануров, хонандалардан А.Аннакулиева, М.Қулиева, М.Шахбердиева, раққос ва раққосалардан Г.Мусаева, А.Пурсияновлар машҳур. Ашхобод ва Тошхөвүзда мусикали драма театрлари, Ашхободда Миллий консерватория, Ашхобод, Мари ва Туркманободда мусика ва санъат билим юртлари, турли шаҳарларда мусика мактаблари бор.

1918 йилдан ҳаваскор театр тўғараклари тузила бошлади. 1926 йилда дастлабки миллий драма студияси ташкил этилди. Унда драматурглар К.Бурунов, А.Каушүтов, режиссёр Ю.Алимзода дарё бердилар. Сурай

Муродова, А.Кулмамедов, К.Бердиев, О.Дурдиева, К.Кулмуродов ва бошқа актёрлар таҳсил олдилар. 1929 йилда шу студия негизда туркман театри (ҳозирги Муллонафас номидаги драма театри) барпо этилди. Унда Б.Кербобоевнинг «Юксалиш», А. Карлиевнинг «Айна» пьесалари ва чет эл драматургларининг асарлари сахналаштиридди. Мари, Карки, Қизиларвот ва бошқа шаҳарларда янги театрлар очилди.

XX асрнинг 2-ярмида туркман театрларида Г. Мухторов, К. Сейтлиев, Б. Омонов, Қ. Қулиев, А. Н Островский, У .Шекспир пьесалари қўйилди. Театр жамоалари орасида Ашхободдаги ёш томошабинлар театри, Маридаги Камина номли драма театри, Туркманободдаги мусикали драма театри, санъат арбобларидан Б. Омонов, А. Дурдиев, М. Черкезов, М. Кириллов, С. Отаева, Т. Ғафурова, Н. Суюнова, М. Аймедовалар машҳур.

1926 йилда кинофабрика ташкил этилди, кейинчалик у «Туркманфильм»га айлантирилди. Шу ерда дастлабки ҳужжатли фильмлар — «Оқ олтин» (1929, реж. А. Владичук), «Чўлда биринчи» (1932, реж. М. Бистрицкий), «Мисли қўрилмаган воқеа» (1936) яратилди. Дастлабки бадий фильмлар — «Унутиб бўлмайдди» (1931, реж. Д. Познанский), «Етти юрак» (1935, реж. Н. И. Тихонов), «Мен қайтаман» (1935, реж. А. Ледашчев), «Дурсун» (1940, реж. Е. ИвановБарков) экранга чиқарилди. 1940-50йилларда яратилган фильмлар («Олисдаги келин», «Кекса Аширнинг ҳийласи», «Оила номуси», «Биринчи имтиҳон») муваффақият қозонмади ва танқидга учради. 1960йилларда воя га етган Х. Нарлиев, К. Язхонов, М. Қурбонкличев, Я. Саидов, М. Суюнхонов каби ёш реж.ларнинг ижоди кинематографияни жонлантирди. Б. Б. Мансуровнинг «Мусобақа» фильми (1964) гоаявий етуклиги, ифода воситасининг таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Унда мураккаб инсоний муаммолар тарихий воқеалар асосида ҳал этилган бўлса, ўша реж.нинг «Чанқовни босиш» фильмида (1967) мазкур муаммолар замонавий воқеликда ифодалаб берилган. «Маҳтумқули» (1968) ва «Мақом сирлари» (1974)

фильмлари тарихий шахсларга бағишланган. Х. Нарлиевнинг «Қорақум, сояда 45°» (1983) фильмида газчиларнинг ҳаёти тасвирланган. Ёш реж. Х. Какабоевнинг «Отам қайтсинчи, курасан», Х. Нарлиевнинг «Жамол дарахти» фильмлари туркман кинематографиясининг сўнгги йиллардаги ютуқла]эи жумласига киради.

Ўзбек ва туркман халклари азалдан иқтисодий, маданий ва адабий алоқада бўлиб келганлар. Алишер Навоийни туркман халқи Мир Али номи билан таниган, унинг асарлари шоир ҳаёт чоғидаёқ туркманлар орасида машҳурбўлган. Навоий ғазалларини туркман бахшилари ҳозирги кунгача ҳам куйлаб келадилар. Хива мадрасаларида таҳсил олган туркман мумтоз шоирлари Озодий, Маҳтумқули, Андалиб Навоийни ўзларига устоз деб билганлар. Айни пайтда Маҳтумқулининг шеърларини билмаган ва куйламаган ўзбек хрфизи йўқ деса бўлади. Андалиб ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларини Навоий ва Дурбек асарларидан таъсирланиб ёзган. Маҳтумқулининг танланган шеърлар тўплами ўзбек тилида бир неча марта нашр этилди. Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев, Абдулла Қаҳҳор ва Беки Сейтоқов, Зулфия ва Товшан Эсанова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтлиев каби ўзбек ва туркман ёзувчишоирлари ўртасидаги дўстлик адабий алоқалар тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Б. Кербобоевнинг «Дадил кадам», «Ойсултон», «Небитдоғ» романлари, Х. Деряевнинг «Қисмат» романэпопеяси, Муллонафас, Андалиб, Камина, Б. Кербобоев шеърлари, Ота Кавшутоннинг «Небитдоғ этакларида» романи, Қ. Қулиевнинг «Қора карвон» романи, Т. Тоғановнинг «Дурлар хазинаси» қиссаси ва б. асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Туркман драматургиясининг «Маҳтумқули» (Б. Кербобоев), «Оила номуси», «Ким айбдор?» (Х. Муталов) сингари намуналари ўзбек театрларида сахналаштирилган. Ўз навбатида, Х.Х. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи», А. Қаҳдорнинг «Шоҳи сузана», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Сайд Аҳмаднинг «Келинлар қозғолони» пьесалари туркман театрларида

намоиш қилинди. Туркман адибларининг (Б. Кербобоев, Ж. Оразов, Б. Сейтоқов, О. Отажонов ва б.) Ўзбекистон, ўзбек шоир ва адибларининг (Ғ.Ғулом, Шайхзода, Миртемир) Туркменистон мавзuidaги асарлари муҳим.

1.2. Туркменистон рангтаъсир санъати ривожланиш босқичлари ва миллий анъаналар ифодасининг ўзига хос хусусиятлари

Туркменистон ҳудудида қадимий манзилгоҳлар (Ашхобод яқинидаги Жайтун ва Пассажиқтепа) қолдиқлари сақланиб қолган. Бундан ташқари, йирик қишлоьларнинг қолдиқларини ҳам учратиш мумкин (Намозгоҳтепа, Улуғтепа, Олтинтепа). Турли даврларда мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарлар (Марвдаги Эркқалъа, Каушут яқинидаги Элкентепа) вужудга келган. Милодий V-VII асрларда хом ғишт ва пахсадан қўрғонлар, 2 қаватли кўшқлар қурилди. XI-XII асрларда шаҳарларда масжид, мадраса, карвонсарой, тимлар, мақбаралар, турар жой маҳаллалари барпо этилди (Абу Сайд мақбараси, Абулфазл мақбараси ва б.). Пишиқ ғишдан маҳобатли иморатлар қурилиб, томи гумбаз шаклида ишлана бошлади. XII асрда биноларни безашда бир томони сирланган ғишт ва кошиндан фойдаланиш раем бўлди. Мақбаралар ўзига хос меъморий шаклда бунёд этилган. Марвдаги Султон Санжар мақбараси, Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбараси, Фахриддин Розий мақбараси, Султон Такаш мақбараси ва бошқа сиркорлик ва нақшкорлик усулида серхашам безатилган. Марвдан Хоразмга бориш йўлидаги Оқчақалъа, Чошқалъа, Дояхотин карвонсаройи ички ҳовлисининг 4 томони пешайвонли қилиб қурилган.

XIV-XV асрларда Темурийлар даври меъморлигига хос маҳобатли ва пештокли бинолар қурила бошлади. XIX аср 2-ярмида Красноводск, Ашхобод, Чоржўй, Байрамали, Қизиларвот каби янги шаҳарлар пайдо бўлди. Аммо кўчманчи қабилалар ҳамон кигиз ўтовда яшар эди. XX

асрнинг ўрталаридан туркман меъморлари уй-жой қурилишида иссиқ иклим шароитини қисобга ола бошлаган бўлсалар, 1948 й. Ашхобод зилзиласидан сўнг шаҳарсозликнинг Туркманистон учун алоҳида усулларини ишлаб чиқдилар. 1960—1970 йиллар меъморлигида содда шаклларга интилиш кучайди, 1970—1980 йилларда меъморлик билан безак санъатини бирга қўшиб, атрофдаги манзарага мослашув тамойиллари устунлик қила бошлади (А.Аҳмедов ва Ф.Аҳмедов раҳбарлигида ижодий жамоалар лойиҳалаган «Ашхобод» меҳмонхонаси, «Айна» ресторани, Давлат банки, Қурилиш банки бинолари). Бадиий хунармандликда кулоллик (VIII асрдан қолипаки нақшланган сирсиз сопол идишлар), бадиий тўқув, заргарлик, гиламдўзлик ривожланган. Айниқса, XIX-XX асрларда геометрик шакли нақшлар билан безатилган кизил, жигарранг, така, салор, ёвмут гиламлари бадиий киммати билан машҳур бўлган.

Туркманистонда XIX асрнинг 2-ярмида пайдо бўла бошлади. Н.Н.Каразин, К.С.Мишин, Назар Ёвмутий туркманлар турмушининг ижтимоий жиҳатларини ифодалашга ҳаракат қилдилар. XX асрнинг 20-йилларида «Шарқ санъати зарбдор мактаби» очилгач, Туркманистонда профессионал бадиий таълим йўлга қўйилди. Шу мактабда таҳсил олган Б.Нурали, С.Н.Бекларов, кейинчалик уларнинг сафига қўшилган Ю.П.Данешвар, И.Кличев, А.Ҳожиев, А.Қулиев, Н.Хўжамухамедов, А. ва Ч. Омонгелдиевлар тасвирий санъатни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшдилар. XX асрнинг 2-ярмида туркман бадиий санъатида графика, дастгоҳ гравюраси, натюрморт, автопортрет, театр ва кино безакчилиги каби жанрлар ривож топди. Истиқлол йиллари Туркманистон тасвирий санъатида миллийликка эътибор кучайди. Дастгоҳ рангтасвири, графика, маҳрбатли ҳайкалтарошлик ривожланди. Кекса авлод вакилларидан И.Кдичев, А.Алмамедов, шунингдек, Ш.Акмуҳаммедов, А.Муҳаммедов, Я.Байрамов, Ж.Амандурдиев, Ч.Амандурдиев, Г.Гусейнов, А.Муродалиев,

К.Нурмуродов ва бошқа самарали ижод қилмоқдалар. Чунончи, Ш.Акмуҳаммедов ижодида ўтмиш билан ҳозирги куннинг узвий боғлиқлигини кўрсатиш, миллий эстетик тамойилларни ифодалаш, Я.Байрамов ижодида дадил новаторлик, атроф муҳитни, умуман ҳаётни фалсафий талқин қилишга интилиш сезилади. 1939 йилда Туркменистон Рассомлар уюшмаси ва 1994 йилда Миллий Бадиий академия ташкил этилган.

Б.Ю.Нурали Туркменистоннинг илк миллий рассомларидан бири саналади. Оддий деҳқон оиласида туғилган Б.Нурали Ашхабоддаги сут ташиш билан шуғулланган. 1920 йилларда тасвирий санъат билан қизиқиб, 1921 йилда Шарқ зарбдор санъат мактабига ўқишга қбаул қилинади. Асарларида туркман миллий маданияти ва санъатини талқин этишга алоҳида эътибор қаратади. Миллий урф-одатлар, халқ ҳаёти, халқи ва ватанига муҳаббати ўзига зос тарзда талқин этилади. Аммо шуни айтиш керакки, туркман санъатшунослигида рассом ижод тўлиқ ўрганилмаган, у рангтасвир билан шуғулланишдан ташқари мусиқачи, бастакор, мусиқа асбоблари ясовчи уста сифатида ҳам кенг танилади.

И.Қличев ҳам туркман рассомлари орасида энг машҳурларидан бири саналади. Туркман халқ рассоми, давлат мукофоти совриндори, академик унвонларига эга ушбу ижодкор ҳақида ҳам илмий тадқиқотларда кам ўрганилган. У 1923 йилда Ялқин овулида таваллуд топади. Унинг отаси ўқимишли, зиёли инсон бўлган, аммо 1933 йиллардаги қатағон қурбони бўлди. Қатағон Иззат Қличев оиласини Шимолий Қозоғистон чўлларига сургун қилади. Шу йиллари ота-онасининг унинг кўз ўнгида вофот этади. Рассом 10 ёшида етим бўлиб қолади. 1938 йилда бўлажак рассом Ашхабод бадиий билим юрти қошидаги мактаб-интернатда ўқиш бошлайди. 1940-1942 йилларда бадиий билим юртнинг талабасига айланди. Шу йиллари Ю.П.Данешвар кўлида тахсил олади (у рус рассоми А.А.Дейнекиннинг шогирдларидан бири эди).

1942 йилда урушга кетади ва ғалабанинг Берлинда нишонлаш бахтига сазовор бўлади. 1947-1953 йилларда Ленинггарддаги И.Е.Репин номидаги тасвирий санъат, ҳайкайтарошлик институтида тахсил олади. Бу ерда у устозлари А.М.Герасимова, Б.В. Иогансон, Ю.М.Непринцева, И.А.Серебряного кўлида тахсил олди. 1953 йилда “Қорақум чўлида” мавзусидагидиплом иши билан институтни муваффақиятли тамомлайди.

1953-1954 йилларда Ашхабоддаги Туркман Бадиий техникумида даср беради. 1962-1965, 1970-1976, ва 1982 йилдан Туркман рассомлари уюшмаси раиси лавозимларидан фаолият юритган. У суҳбатлардан бирида “Мен рус маданияти асосида тарбия топган бўлсамда, халқини севаман. Қорақум мен учун чўл бўлсада, сеvimли маскан” деб таъкидлаган. Шунга кўра 1957 йилда ишланган А.М.Герасимов устахонасида, унинг раҳбарлигид ишлаган монументал асари тарихий жанринг туркман рангтасвир санъатига олиб кирганлиги билан ажралиб туради.

1960 йилларда Иззат Қличев ижоди Туркман рангтасвир санъатининг асосий мезонларини белгилаб бера бошлади. “Мен ва менинг онам” (1964), “Афсона” (1964) асарлари шу йиллари яратилган ва туркман миллий тасвирий санъатининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб бера олган асарларидан саналади. Рассомнинг 1967 йилда яратилган “Менинг Туркманистоним” асари давлат мукофотига сазовор бўлди. Иззат Қличев 1957 йилдан республика ва халқаро миқёсида ўтказилган қатор кўргазмаларнинг доимий иштирокичисига айланди.

Огулсарой Акмуродова ҳам Туркман рассомлари орасида ўзига хос ижодий фаолияти билан шуҳрат қозон рассомлардан бири саналади. Рассом 1959 йилда тугилган 1990 йилдан Трукманистон рассомлар уюшмаси аъзоси саналади. 1977 йилда рассом Ашхабод шаҳридаги Шота Руставела номидаги Туркман бадиий техникумини тамомлайди. 1981 йилда И.Е.Репин номидаги Ленинград рангтасвир, ҳайкалтарошлик,

меъморчилик институтининг Дастгоҳли рангтасвир факультетига ўқишга киради. У ерда Ю.М.Непринцева кўлида тахсил олади. 1987 йилда институтни тамомлаб, аввалги Ашхабоддаги Шоте Руставели номидаги бадийий техникум (1987-1990), 1993-2006 йилларда Маридаги болалар санъат мактабида фаолият юритади. 2008 йилда Ашхабодда яшайди. 2009-2011 йиллар давомида Туркменистон ва Туркия ўртасидаги халқаро алоқларнинг доирасида Туркияга сафарда бўлади. Рассомнинг қизиқишлари отларга ва фото санъатига бўлсада, тасвирий санъат соҳасидаги фаолияти Туркменистон тасвирий санъатининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини ўзида белгилайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, туркман рангтасвир санъати ўзбек рангтасвир санъати каби узоқ асрлик тарихга эга. Ўтган давр мобайнида туркман тасвирий санъати ўзининг миллий хусусиятларига эга бўлди. XX аср Туркменистон тасвирий санъати ҳам Ўзбекистон тасвирий санъати каби ривожланишнинг ўзига хос тенденцияларига эга бўлган ҳолда тараққий этди ва бунда халқ миллий анъаналари муҳим ўрин эгаллади.

II. БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН РАНГТАСВИРИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

2.1. Замонавий ўзбек рангтасвир санъатида миллий анъаналар талқинининг услубий жиҳатлари

Ўзбекистон мустақиллика эришиши унинг санъатининг янги даврини бошлаб берди. Президент И.А.Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг устивор йўналиши белгилаб берилди. Айниқса, Президент фармонида биноан 1997 йили Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этилиши маданий ривожнинг янги босқичини очиб берди. Тасвирий санъатда мафкуравий назоратни бекор қилиниши натижасида ижод эркинлигини қўлга киритган рассомлар услубий рангбарангликда ижод қила бошлади.

Мустақиллик йилларида ижод эркинлиги санъатда изланишлар ва турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига олиб келди. Реалистик санъат(ҳаёт шакллари асосига қурилган санъат) ва авангард - модернизм санъати ўзаро рақобати кучайди. Санъатнинг баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий интим кечинмалари, ўй ва кечинмалари белгилай бошлади. Мустақиллик йиллари рассомлик санъатининг мавзуси кенгайди. Рассомларнинг миллий тарихга мурожати натижасида янги янги мавзулар, энг аввало миллий тарих билан боғлиқ воқеалар кўпчилик рассомларни ўзига жалб этди. Санъатда тарихий портрет ва композицияларнинг пайдо бўлди. Амир Тимур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди портретлари учун танловлар ўтказилиши ҳам шу жараёнда муҳим ўринни эгаллади.

Тасвирий санъатда рангтасвир аввалги йиллардагидек етакчи ўринни эгаллаб изланишлар олиб борилди. Тарихий мавзудаги асарлар асосан реалистик талқин этилиши билан характерланади. А.Абдуллаев(Алишер

Навоий), Ч.Ахмаров(Нодира), М.Набиев ижодида тарихий портрет ва композициялар(А.Темур, З.М.Бобур портрети), А.Икромжонов (М.Улуғбек, К.Бехзод портрети), С.Рахметов(Ахмад Мирзо), О.Муинов(Тўмарис, Бибихоним)портретлари реалистик санъат анъаналарида ишланган. Шунингдек, бу даврда халқ қаҳрамонлари Алпомиш, Спитамен, Ж.Мангуберди сиймоларининг портрет жанрида яратилиди.Қ.Башаров(Спитамен), Т.Курязов (Ж.Мангуберди), М.Йўлдошев(Алпомиш, Гўрўғли, Рустам образлари) портретлари кўпчилик эътиборини қозонди.

Мустақиллик йилларида миллий мавзу ва тарихга эътиборнинг ортиши тарихий жанр ривожига катта туртки берди. Темур ва темурийлар даврига атаб асарлар яратилди. М.Набиев, Ч.Ахмаров, Н.Қўзибоев, Қ.Башаров, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, С.Абдуллаев, Э.Машарипов, А.Алиқулов ва бошқалар шу мавзуда йирик асарлар яратишди. Ҳарбир замон ўз замондошларининг қиёфасини кўришни истайди. Манзара жанрида Раҳим Ахмедов, Неъмат Қўзибоев, Анвар Мирсоатов манзаралари ўзининг хис туйғуларга бой хислатлари билан янги давр руҳини ифодалади.

Замонавий миниатюра санъатининг ҳақиқий ривожланиш даври бўлди. Локли миниатюра санъатининг ўзининг камолатига эришди. Ш.Муҳаммаджонов, Г.Камолов, Т.Болтабоев, Х.Назирова, А.Йўлдошев. Б.Йўлдошев, У.Қосимов, Ф.Рахматуллаев, Ш.Шоахмедов, А.Турсунов каби миниатюрачилар ижодида ажойиб намуналари яратилди. Мустақиллик йилларида реалистик санъат йўналиши билан бир қаторда авангард санъати йўналишлари ўзига йўл очиб борди. Ўз ижодини академик санъат йўналишида бошлаб катта ютуқларга эришган Баҳодир Жалолов, Вячеслав Охунов, Акмал Нуриддинов(Акмал Нур), Жамол Усмоновлар авангард санъатининг етуқ намуналарини яратишга муваффақ бўлдилар.

XX асрнинг 90-йиллари бошида маданият ва санъат соҳаларининг ривожига “бир қатор муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар омили билан белгиланади.” Минтақа санъати учун трансформацион характерга эга бўлган мазкур жараёнлар 1991 йил Ўзбекистон Республикаси миллий суверенитетни қўлга киритиши, бунинг натижасида жамият ҳаётида содир бўлган кенг кўламли сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар аъзосига айланиши ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатиши Собиқ иттифок даврида маданият ва санъат соҳаларида мавжуд бўлган “темир парда”ни очиш имконини берди. Мамлакат ижодий интеллигенцияси жаҳон бадиий жараёнларини чуқур ўрганиш билан бир қаторда, миллий санъат ютуқларини ҳам дунёга тарғиб қилиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзосига айланиши таълим, маданият ва санъат соҳаларида йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишига замин яратди.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бошланган ислохотлар жараёни маданият ва санъат соҳаларини ҳам қамраб олди. Уларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бири сифатида белгиланди. “Иқтисодий моделлар ва етакчи мафкуравий вазифаларнинг алмашинуви санъатдаги салмоқли ўзгаришларга туртки берди. Бунинг яққол мисолини миллий рангтасвир ривожига кузатиш мумкин, зеро, бу санъат турининг фалсафаси тубдан янгилана бошлади.”¹⁴ Натижада янги мустақиллик даври рангтасвири шаклланди.

Миллий суверенитетнинг қўлга киритилиши, рангтасвир соҳасида ҳам ўзига хос “мустақилликка” эришиш имконини берди. Маълумки, Ўзбекистон рангтасвир мактаби 1990 йилларга қадар собиқ иттифок рангтасвирининг ажралмас қисми ҳисобланарди. Ушбу омил узоқ вақт давомида жаҳон тасвирий санъатида ўз мавқеига эга мустақил мактабни

¹⁴Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2010. – Б. 349-350.

шакллантириш имконини бермади. XX асрнинг 60-йилларига келиб Ўзбекистон миллий рангтасвир мактабини шакллантиришга эришилган бўлса-да, кенг маънода минтақа рангтасвири умумий совет санъати тизимида фаолият юритишни давом эттирди. Бой тарихга ва кўплаб иқтидорли ижодкорларга эга бўлган Ўзбекистон рангтасвири “Совет иттифоқи рангтасвири” деб аталувчи катта дарёдаги кўплаб irmoқлардан бири сифатида қабул қилинди.

XX асрнинг 90-йилларига келиб вазият тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар мобайнида миллий анъаналарга, бой тарихий меросга кенг мурожаат қилиш имконини бермаган коммунистик мафкура тазйиқи барҳам топди. Янги мустақиллик даври мафкурасида миллий ва умумбашарий қадриятларни қайта англаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. “Бу санъат турида юз берган “ўзини идрок этиш” жараёни кўлга киритилган профессионал кўникмалар ёрдамида тизимли равишда тарихий-фалсафий ва бадиий меросни қайта англаш ҳоёларини шакллантира бошлади.”¹⁵ Ўзбек рангтасвир мактабининг жаҳон тасвирий санъатининг мустақил субъектига айланиши ўз навбатида классик анъаналар ривожига ҳам янги даврни бошлаб берди.

Мутахассислар томонидан белгиланганидек, мустақиллик йилларида “миллий қадриятлар, халқимизнинг бой маданий мероси билан бир қаторда Ўзбекистон rassomлари замонавий Европа ва жаҳон тасвирий санъати ютуқларини ижодий жиҳатдан қабул қилишди. Айниқса, бу миллий дастгоҳли рангтасвирда ёрқин акс этади.”¹⁶ 1990-йиллардаги янгиланишлар “бадиий ижодни ўз фалсафий мақсадлари ва экзистенцианал вазифаларига эга автоном фаолият тури сифатидаги статусини қайта тиклашга бўлган интилишда ҳам акс этади. Ўтган йиллардаги изоляция ва мафкуравий чекловларга қарама-қарши тарзда янги тарихий-маданий

¹⁵Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – Б. 125.

¹⁶Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2010. – Б. 351.

шароитда умум жаҳон санъатига яқин бўлган жараёнлар босқичма-босқич намоён бўла бошлади.”¹⁷ Тасвирий санъатнинг барча турлари қаторида рангтасвир олдида ҳам янги бадиий-ғоявий вазифалар юзага келди.

Ўтган йилларда миллий рангтасвирда тўпланган тажрибалар ҳам мустақиллик даврида ўз аҳамиятини йўқотмади. Аксинча, 1970-йилларда юз берган классик анъаналарни қайта англаш жараёни кучая бошлади. Ғарбнинг илғор рангтасвир мактаблари билан бевосита мулоқотга киришиш имконияти пайдо бўлгани изланишлар доирасини яна кенгайтди. Хусусан, Ўзбекистонда 2001 йилдан буён анъанавий равишда Тошкент халқаро санъат биеннаlesi¹⁸ ташкил этилаётгани, айниқса, европалик рангтасвир усталари билан мунтазам ижодий мулоқотни йўлга қўйиш учун қулай шароит яратди.

Юқоридаги жараёнлар билан бир қаторда “анъанавий маданият” тушунчасига нисбатан муносабат ҳам ўзгара бошлади. Ўзбекистон санъатининг қадимий тарихи, унинг ривожланиш босқичларининг қайтадан ўрганилиши Европа мумтоз санъатига хос бадиий ижод турларининг кенг қўламли тараққиёти Марказий Осиёда ҳам юз берганини тасдиқлади. Натижада, “анъанавий маданият” тушунчасини қайта англаш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, Европа классикаси узоқ вақт давомида ўзбек рассомлари томонидан юксак бадиий-ғоявий мезон сифатида қабул қилиниб келинди.

Мустақиллик даврига келиб миллий анъаналар ва қадимий урф-одатларни жамлаган халқ маданий меросига эътибор ортиши натижасида янги “миллий классика”, яъни “анъанавий маданият” тушунчаси шакллана бошлади. Масалан, Темурийлар даври миниатюра санъати мутахассислар томонидан ўзбек миллий рангтасвирининг классик даври сифатида

¹⁷Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – Б. 125.

¹⁸Ахмедова Н.Р. Художник в параболe времени и культуры // SAN’AT. – Тошкент, 2014. – №4. – Б. 4-7.

эътироф этилди. Рангтасвирда Европа классикасини рад этиш ҳолати кузатилмаган бўлса-да, ушбу анъаналарга ёндош ҳолда миллий анъаналарнинг мавқеи орта бошлади.

Мустақиллик даврида миллий рангтасвир мактабининг янги қиёфасини яратиш муаммоси актуаллашиб, шаклий, ифодавий воситаларнинг ранг-баранг кўриниш касб этишига туртки берди. Миллий кадриятлар аҳамиятининг ошиши маълум даражада Европа классикасига эътиборни сусайтирди. Ушбу тенденция, айниқса, 1990-йилларда яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон рангтасвирига кириб келган янги авлод рассомлари (А.Нуриддинов, Ш.Абдуллаева, А.Исаев, Ф.Аҳмадалиев, М.Исанов, Ҳ.Зиёхонов, Ғ.Қодиров, Ж.Усмонов, Ш.Ҳакимов ва ҳоказо) ижодида “*миллий анъаналар*” билан мулоқот, тарихий меросга мурожаат масалалари бирламчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон рангтасвирида миллий маданий меросга, хусусан, ўрта асрлар мумтоз адабиётига, Шарқ фалсафаси, сўфийлик таълимотларига ва халқ амалий санъатига эътибор кучайди. Ижодий ориентацияларнинг ўзгариши классик анъаналарга кенг эътибор қаратган рассомлар ижодига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, 1970-80 йилларда классик анъаналарнинг кучли таъсирини бошдан кечирган Ж.Умарбеков ижоди 1990-йилларда тубдан ўзгариб, халқ амалий санъатига хос декоратив хусусият касб этади. 1990-йиллар санъатидаги ўзгаришлар анъанавий картина концепциясини, унинг композицион, жанрли хусусиятларини тубдан янгилаганига қарамай, ўзбек рангтасвирида классик анъаналар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотгани йўқ. Тўғри, 1990-йиллар бошида бу анъаналарга мурожаат 1970-80 йилларда кузатилганидек, кенг кўламга эга бўлмаса-да, миллий рангтасвирда реализм анъаналарининг ривожидан эътибор эътибори. Ушбу жараён А.Ҳакимов тадқиқотларида ҳам алоҳида белгилаб ўтилади. Олим таъкидлаганидек, “Замонавий Ўзбекистон санъати шарқ миниатюраси анъаналарига чуқур урғу беришдан тортиб янги модернистик

лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган услубий ўзгаришларни бошдан кечирди. Бу вақтда жаҳон ва миллий реалистик санъат мактаби анъаналарига суянувчи асарлар ўз қийматини йўқотмади.”¹⁹

Миллий хусусиятга эга бўлган палитранинг барча қудратли томонини кўрсатишга бўлган интилиш Ж.Умарбековни тор доирадаги миллий услубий «чегара»дан чиқиб кетишга ундайди (ушбу чегарада-ёрқин безаклар ранглар, маиший атрибутлар, шунингдек ҳаётга ижобий муносабат бир-бирига аралашиб, фикран боғланади). Руҳий кайфиятнинг рангин жилоси ва ўзбекона миллий хусусиятлар шубҳасиз кенг ва бойдир. Ж.Умарбеков буни ҳис қилади, унинг ишларида кайфиятнинг кенг гаммаси, оҳанг, жўшқин қиёфали нозик ранглар, халқнинг ўзига хос миллий фазилатлари иштирок этади. 90-йиллар бошларида яратилган янги масрур оҳангдаги асарлар юқоридаги фикрларин тўла тасдиқлайди, яъни ўз-ўзини англаш ва уни ижодда эркин кўрсатиш мантиқан Ўзбекистон давлати мустақиллиги жараёни билан боғланади.

Графикачи рассом Леким Ибрагимовнинг ўзи учун янги ижодий йўналишда ўз услубига содиқ қолади: ишланмаган матода, шиддаткор чизгиларда кўхна Турфон деворий суратларидан илхомланиб, енгил ва нафис шаклларни яратади. Л.Ибрагимов рангтасвирида аёллар образи етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, Буюк уйғур маликаси («Малика», 1997), табиат қўйнидаги ором олаётган ёки саҳнада рақс тушаётган қизлар («Соҳилда» 1989, «Саҳродаги рақс» 1998). Қадимги Хўтон аёллари («Хўтон аёли» (1995), рангдор хонатлас кийган раққосалар («Атлас қушлар», 2000) бунга мисол бўлади. Унинг «Амударё» (2000) асарининг композициясида жаннатмакон Осиё заминини тараннум этган дарё образи аёл қиёфасида ифодаланган. Барча мавжудот ва махлуқот унинг теварагида мужассамдир.

¹⁹Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2010. – Б. 352.

Сокин ранглар мажмуи, доимий ранглар нафосати, чизмаларга хос шартлилик, аён воқеаликдан нусха кўчирмаса-да, мусаввирнинг индивидуал дунёқарашили ўзига хос бетакрор композицияларда тараннум этиш ва нафақат мусаввирлик, балки шоирона истеъдод соҳиби бўлган Л.Ибрагимов асарларининг белгиловчи хусусиятидир.

Мусаввир Акмал Нур ижодида муҳаббат мавзуи ва унинг умуминсоний аҳамияти етакчилик қилади. «Севги олмаси», «Муҳаббат боғи», «Муҳаббат дарёси» (1995), «Муҳаббат ороли» (1998) асарлари жозибали номланган. Мазкур асарларда мусаввир турли рамзий маъжозий тимсоллар, яъни ой, ҳўкиз шоҳи, балиқ, қайиқ кабиларни қўллайди. Бироқ, ушбу картиналарда асосий маъно ва умумий пластик йўсинни олма мавзуси эгаллайди. Баъзан эса олма бўлинган ҳолда, унинг фонида эса севишганлар, баъзан эса олма ҳавода муаллақ ҳолатда тасвирланган. Мавзунинг ботиний мазмуни аста-секин иккинчи планда берилиб, олма тасвири муваффақиятли жойлаштирилиб, услубни маҳорат билан алмаштириб туради. Бу даврда яратилган асарларнинг босқичлари сезиларли даражада бўлиб, мусаввирнинг 1998-йилда яратилган «Муҳаббат ороли» полотноси, 1995 йилдаги асарларидан томошабинга енгил кайфият бахш этиши ва композицион ечимнинг нафислиги билан ажралиб туради.

Истеъдодли рассом Ж.Усмоновнинг («Қушлар» «Ёлғизлик водийси», 1992, «Севишганлар», 1992; «Англаш», 1993; «Мушоҳада», 1994) деб номланган туркум асарлари ўзгача шеърӣ оҳанг таратади. Мусулмон маданиятида қуш - «қалб» тимсоли, сўфӣ руҳини қалбнинг доимий мангуликка кетиши олдидаги ўз асли билан қайта бирлашишга интилиши. Сўфӣ тилининг қуш тили «забони мурғон» деб анъанавӣ номланиши тасодифӣ эмас. Ўрта асрлар миниатюра манзараларини ифода этиш анъаналарини давом эттириб, Ж.Усмонов табиат ва унинг бир бутунлигини, чексизлик ва ўзгарувчанликни яхлит мукамал ўйғунлик

сингари талқин этади («Кузги зикр», 1994. Учлик, «Баҳорги шиддат», 1996; «Уйғониш», 1997).

Ж.Усмонов асарларини яширин ва моддий дунё орасилаги уйғунликка эга эканлиги билан Шарқнинг ўзига хос мумтоз санъатининг ёрқин намунаси сифатида қабул қилинди. Темур Аҳмедов рангтасвирида шаклий ижод нафислиги, рангларнинг нозик безакдорлиги, истеҳзо ва туйғу самимийлиги, енгил кулгу мавжуд.

2000-йиллардан бошлаб миллий рангтасвирида классик анъаналарга эътибор аста-секин кучайиб боришини кузатиш мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кенг ўрин эгаллаган тарихий-ватанпарварлик ориентацияси янги ижодий тенденциялар билан ўрин алмашади. Рангтасвирида тарихий мавзу ўз долзарблигини йўқотишни бошлади ва замон қаҳрамони, уни қизиқтирувчи мавзуларни акс эттиришга эҳтиёж ортади.

Мустақиллик йилларида ижод эркинлиги рангтасвиридаги изланишлар турли услуб ва йўналишларининг ривожланишига олиб келди. “Санъатни баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий ўй ва кечинмалари белгилай бошлади. Мустақиллик йиллари рассомлик санъатининг мавзуси кенгайди. Энг аввало, миллий тарих билан боғлиқ воқеалар кўпчилик рассомларни ўзига жалб этди.”²⁰

1990-йилларда ўзбек рангтасвирида миллий тарихий тематикага мурожаат етакчи йўналишлардан бирига айланди. Тарихий мавзунинг актуаллашуви биринчи навбатда сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга эди. Миллий суверенитетга эришган янги мамлакатнинг давлатчилик тарихи, бой маданий меросини тарғиб қилиш рангтасвир ижодкорлари олдидаги етакчи вазифалардан бири сифатида белгиланди. Юқоридаги жараён табиий характерга эга бўлиб, тарихий воқеликни қайта англаш рангтасвир

²⁰АбдуллаевН. Ўзбекистон Миллий портрет санъати. – Тошкент, 2011. – Б. 13.

иждокорлари учун муҳим эди. Мазкур тенденция минтақавий характерга эга эканини ҳисобга олиш зарур. Мутахассислар ҳақли равишда белгилаб ўтганидек, 90-йиллар рангтасвиридаги муҳим янгиликлардан бири “тарихий-ватанпарварлик мавзуи билан боғлиқ бўлиб, тарихий картина ва тарихий портрет йўналишларининг ривожланиши учун янги импульс берди. Ҳар бир республикада тарихий арбоблар, шоир ва файласуфларнинг портретлари галереяси юзага келди.”²¹

Мустақиллик даврида тарихий мавзуга мурожаат қилишда реалистик ёндашув асосий ўрин эгаллайди. Тарихий мавзуда яратилган деярли барча асарларда классик реализмининг маълум даражадаги таъсирини кўриш мумкин. Шунини ҳисобга олиш лозимки, барча асарларда ҳам том маънодаги Европа реалистик анъаналари мавжуд деб бўлмайди. Аксарият иждо намуналарида ҳамон совет реализмининг таъсири сезилади. Бадиий савиясига кўра мазкур асарлар классик санъат меъёрларига тўла жавоб беролмайди.

Европа реализмига хос маҳорат билан ишланган асарлар орасида М.Нуриддиновнинг “Амир Темур ҳокимият рамзларини қабул қилмоқда” (1996) картинасини кўрсатиш мумкин. Асар 1470 йилда юз берган тарихий воқеа — Саид Бараканинг Амир Темурга ҳокимият рамзларини топшириш маросимига бағишланган бўлиб, тарихий воқеанинг ўзига хос рамзий намоиши ҳисобланади. Картина классик асарларга хос тугалланган композицияга эга. Рассом Саид Барака ва Амир Темур сиймоларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳокимият рамзларини қабул қилиш маросимининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги аҳамиятини кўрсатишга интилади.

Асардаги натуралистик аниқлик, ҳар бир деталга алоҳида урғу берилгани, картинага яхлитлик бағишланган шаклий гармониянинг

²¹Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – Б. 127.

топилгани классик реализм тамойиллари билан уйғунлик ҳосил қилган. Воқеани акс эттиришда М.Нуриддинов Веласкес, Рубенс, Эль Греко каби тарихий картина усталарининг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, ўзига хос улуғворликни намойиш этишга интилади. Бироқ М.Нуриддиновнинг асосий камчиликларидан бири ҳам шунда намоён бўлади. Ижодкор реалистик рангтасвирда мавжуд тажрибалар доирасидан чиқиб кетолмайди.

А.Икромжонов томонидан яратилган тарихий портретлар туркумида ҳам Европа реализмига хос ҳаққонийлик устувор аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ижодий етукликка эришган rassomнинг тарихий портретларида реализм тушунчасига кенг муносабат мавжуд. Классик реализм анъаналарининг ёрқин ифодасини “Мирзо Улуғбек” портретида кўрамиз. Мусаввир изланишларига, айниқса, XVI-XVII голланд рангтасвири кучли таъсир кўрсатгани сезилади.

Европа реализми билан уйғунлик темурий ҳукмдор сиймосининг чуқур психологик тасвирида яққол акс этади. Қаҳрамон нигоҳларига алоҳида урғу берган А.Икромжонов Мирзо Улуғбек қиёфасида Амир Темурнинг рамзий сиймосини уйғунлаштиради. Голланд рангтасвирининг таъсири портретнинг колористик ечимида ҳам кўринади. Рембрандт портретларидан намуна олган А.Икромжонов орқа фонга эътибор қаратмай, мой бўёқнинг тўйинган рангларида кенг фойдаланади. Мирзо Улуғбекнинг либоси ва интерьерда сарой ҳашаматини акс эттиришга урғу берилса, қаҳрамон қиёфасида ҳаётий ҳаққонийлик тамойили устунлик қилади. Бироқ rassom тарихий мавзудаги барча портретларида ҳам юқоридаги маҳоратга эриша олмайди. Мисол учун “Амир Темур” (2002) портретида буюк саркарданинг ҳашаматли либоси, қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган қурол-яроғини акс эттиришга ҳаддан зиёд урғу берилиши натижасида образнинг ҳаққоний, психологик кечинмалари иккинчи планда қолиб кетади. Шоҳона либос ва қурол-аслаҳа rassom

тасвирлаган оддий табиат манзараси билан ҳам уйғунлик ҳосил қилмайди. Мавжуд номутаносибликлар томошабинга Амир Темур сиймосини чуқур ҳис этиш имконини бермайди. А.Икромжонов асари маълум маънода XVI-XVII асрларда Европа саройларида ижод қилган рассомларнинг ясама улуғворлик, ортиқча ҳашамат билан яратилган ҳукмдор ва аслзодалар портретларини ёдга солади.

Сарой ҳашаматига ортиқча эътибор бериш С.Раҳметовнинг тарихий жанрдаги изланишларида ҳам салбий натижа беради. Масалан, рассомнинг “Султон Аҳмад” (2001) портретида темурийлар даврига хос шоҳона либос, бой интерьерга алоҳида урғу берилади. Бироқ Султон Аҳмад образи умумий муҳит билан уйғунлик ҳосил қилмайди. Қаҳрамон қиёфаси ўта маиший ва типик кўринишда тасвирланиб, унинг психологик дунёси мукаммал очилмаган. Афсуски, юқоридаги камчиликларни мустақиллик йилларида тарихий портрет жанрида ижод қилган кўпгина рассомларда учратиш мумкин. Ортиқча деталларга урғу бериш, образнинг психологик анализига етарлича эътибор қаратмаслик ҳамда тарихий манбаларнинг чуқур ўрганилмагани Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Нодирабегим каби каби йирик тарихий сиймоларнинг бадиий жиҳатдан мукаммал бўлмаган портретлари яратилишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида баъзи услубий ранг-барангликлар ҳам кузатилади. Т.Қурёзов изланишларида Европа классик санъатининг романтизм йўналиши таъсирини кўриш мумкин. Мазкур жиҳат рассомнинг “Жалолиддин Мангуберди” (2007) портретида ёрқин акс этади. Т.Қурёзов мўғулларга қарши курашган жасур саркарда қиёфасини акс эттирар экан, биринчи навбатда қаҳрамон тақдиридаги драматизмни очиб беришга интилади. Қора, тўқ кўк ранглар қаҳрамон бошдан кечирган оғир синовларга урғу беради ва асардаги драматик руҳиятни оширишга хизмат қилади. Портретда Жалолиддин Мангуберди сиймосидаги исёнкорлик, жасорат хислатлари яққол акс этади. Бир қўлида шамшир тутган зийрак

нигоҳли саркарда исталган дақиқада душман билан жангга киришишга тайёр. Рассом бундай кескин эмоционал кечинмаларни акс эттиришда Антуан Гро, Теодор Жерико, Эжен Делакруа каби романтизм намояндалари тажрибаларидан кенг фойдалангани сезилади.

“Жалолиддин Мангуберди” портретида кўлга киритилган ютуқларга қарамай, Т.Қурёзовнинг кейинги ижодида романтизм анъаналари асосида яратилган муваффақиятли портретлар учрамайди. 1990-йилларда тарихий мавзуда маълум даражада Уйғониш даври, хусусан, 70-80 йилларда актуал аҳамият касб этган Италия Ренессансининг таъсири мавжуд. Уйғониш даври санъатида тарихий мавзу муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Юксак бадиий савияси билан ажралувчи италян классикларининг тарихий композициялари табиийки, мустақиллик даври рассомларини ўзига жалб этди.

1970-80 йилларда Ренессанс анъаналарининг чуқур таъсирини бошдан кечирган Ж.Умарбеков бу борада тўплаган тажрибаларидан мустақиллик даврида ҳам кенг фойдаланади. Рассом ижодида Темурийлар тарихига бағишланган алоҳида асарлар цикли мавжуд бўлиб, улар орасида, айниқса, “Етти иқлим султони” (1995) тарихий композициясининг монументал хусусиятлари эътиборни жалб этади. Ренессанс фрескаларига хос равишда Ж.Умарбеков картинани горизонтал марказлашган композиция асосида яратади.

Картина марказида Амир Темур сиймоси гавдаланиб, унинг атрофида ўзаро уйғунликда бошқа образлар акс эттирилади. Ж.Умарбековнинг режиссёрона нигоҳи маҳобатли асарларга хос бўлган улуғвор манзарани акс эттириш имконини беради. 1970-80 йиллар тажрибасида кузатилганидек, рассом кўп қиёфали, маҳобатли композиция яратишга интилади. У Амир Темурнинг реалистик қиёфасини очиб беришни мақсад қилмаган. Рассом буюк саркарда атрофида Шарқ ва Ғарб

тарихига оид турли қаҳрамонлар сиймосини акс эттиради. Бу орқали рассом “Етти иқлим султони” ғоясини тасдиқлаган ҳолда Амир Темур Ўзбекистон тарихидаги энг ёрқин сиймо эканини намойиш этади.

Тасвир услуби, мавзуга оригинал ёндашуви ва ғоявий талқини жиҳатидан 90-йилларда яратилган тарихий мавзудаги кўпгина композициялардан кескин фарқ қилувчи “Етти иқлим султони”да Ж.Умарбековнинг классик санъатга муносабати маълум жиҳатдан ўзгаргани ҳам кўринади. Асарда Ғарб ва Шарқ мулоқоти сақланиб қолган бўлса-да, шаклий, пластик хусусиятларига кўра бутунлай янгича эстетикада ишланган. 70-80 йилларда Ж.Умарбеков ижодида фалсафий-маданий контекст устунлик қилса, 90-йилларга келиб асосий эътибор декоратив жиҳатга қаратилади. Мутахассислар ҳақли равишда белгилаганидек, “Етти иқлим султони”да рассом ижодидаги янги давр тенденциялари акс этган бўлиб, бунда асосий эътибор рангтасвирнинг формал сифатларига қаратилади, яъни ижодкор турли ранглар гармонияси ва пластик ритмлар эстетикасига интилади. Горизонтал узунлаштирилган формат, стилистика, иконографик ва рангтасвир хусусиятлари картинани деворий фрескага яқинлаштиради.

Уйғониш даврига хос образли ечимлар Ж.Умарбековнинг “Соҳибқирон Амир Темур” (1995), “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” (1996) портретларида ҳам устуворлик қилади. “Етти иқлим султони”да бўлгани каби ушбу портретларда рассом қаҳрамонларининг соф реалистик қиёфасини акс эттирмайди. “Соҳибқирон Амир Темурда” кудратли ҳукмдорнинг рамзий сиймоси акс эттирилса, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”да лирик руҳият устунлик қилади. Уларда рассом 1990-йиллар тарихий портретчилигида қолипга айланган ёндашувларни енгиб ўтган ҳолда тарихий сиймоларнинг янги талқинини топишга ҳаракат қилади.

Ренессанс фрескаси Б.Жалолов ижодий изланишларида ҳам салмоқли ўринга эга. Буни “Абадият гумбази остида” (1995) маҳобатли асарида кўриш мумкин. Ж.Умарбеков сингари Б.Жалолов ҳам классик санъат намуналаридан бевосита иқтибос келтирмаса-да, деворий суратнинг умумий концепциясида рассомнинг 1970-80 йиллардаги монументал асарлари билан параллелликлар кузатилади. Мазкур жиҳат биринчи навбатда кўп қиёфали, ёрқин композиция яратишга бўлган интилишда аниқланади.

Асар марказида от минган Амир Темур сиймоси гавдаланади. Б.Жалолов мустақиллик йилларида шаклланган схематик ёндашувдан четлашиб, буюк саркардани ўзига хос қиёфада, янги образли-стилистик ечимлардан фойдаланган ҳолда акс эттиради. Деворий суратда Ўзбекистон тарихининг турли давларидаги қаҳрамонлар образи ҳам жой олган. Рассом кўплаб қаҳрамонлар образидан фойдаланган бўлишига қарамай, умумий композициясида уларнинг барчаси ўзаро уйғунлик ҳосил қилади. Классик анъаналар тарихий мавзудаги ривожининг муҳим йўналишларидан бири батал жанри билан узвий боғлиқ. Мустақиллик йилларига қадар ўзбек рангтасвирида жиддий аҳамият касб этмаган ушбу жанр анъаналарига мурожаат А.Алиқулов ижодида салмоқли ўринга эга.

Маълумки, Европа рангтасвирида батал жанрининг ривожини XIX аср бошларида юз беради. Мавжуд омилга асосланиб, А.Алиқулов XIX-XX аср Европа реалистик санъати тажрибаларига кенг эътибор қаратишини айтиш мумкин. Рассом ижодида рус реалистик мактабининг таъсири ҳам салмоқли аҳамият касб этади. Уларнинг ёрқин ифодасини Темурийлар тарихига бағишланган туркум асарларда ўрганиш мумкин.

“Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси” (1996) йирик монументал асари композицион мураккаблиги билан ажралади. Образларнинг ўта зич жойлашуви макондан максимал даражада унумли

фойдаланишни талаб этади. А.Алиқулов учун бу борада поляк рассоми Ян Матейко ижоди ўзига хос намуна сифатида хизмат қилади. Матейконинг батал картиналарида кузатилганидек, А.Алиқулов ҳам асосий эътиборни воқеаларнинг кўлами ва динамикасини тасвирлашга қаратади.

Деворий суратда ҳар бир жангчининг ҳаракати, юз ифодаси алоҳида ажратиб кўрсатилади. Жангчиларнинг қурол-яроғларидан тортиб улар кийган либос, от-улов ва байроқ тасвирлари ҳам энг майда тафсилотлари билан кўрсатилади. Бироқ рассом Европа классикларига шунчаки тақлид қилишга интирмайди. Мисол учун Ян Матейко батал асарларидан фарқли равишда “Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси” деворий суратида ёрқин пафос, тантанаворлик мавжуд эмас. Рассом реалистик мезонларга асосланган ҳолда шафқатсиз тарихий жанг сахнасини ифодалайди.

Юқоридаги омил рассомнинг “Феодаллар уруши” (1995), “Ялов учун жанг” (1996), “Ёриб ўтиш” (1997) каби маҳобатли ишларида етакчилик қилади. Уларда ўрта асрларга оид турли жанг сахналари акс этган бўлиб, асосий эътибор кескин воқеалар динамикасини очиб беришга қаратилади. Ижодкор батал жанри таркибига кирувчи маиший батал сахналарига ҳам кенг эътибор қаратади. Рассомнинг бу йўналишдаги изланишлари “Қалъанинг забт этилиши” (1999), “Ватан учун” (2000) каби маҳобатли асарларида акс этади.

А.Алиқулов ижодий изланишларининг кенг кўламини белгиловчи хусусиятлардан бири шундаки, уларда антик давр анъаналарига ҳам мурожаат мавжуд. “Қадимий Бактриядаги спорт ўйинлари” (1996) маҳобатли асарида рассом антик анъаналарнинг ўзига хос талқинини яратади. Антик санъат Марказий Осиё қадимий маданиятида салмоқли ўринга эга эканини ҳисобга олган рассом Шарқ ва Ғарб анъаналарининг ўзига хос синтезини амалга оширади. Деворий суратнинг биринчи планида

бақтриялик спортчиларнинг сиймолари акс этиб, улар барчаси шарқона либосда намоён бўлади. Асарнинг иккинчи планида эса қадимий юнон рангтасвирида кенг қўлланган олимпия ўйинлари иштирокчиларининг тасвири берилади. Асар марказида юнон маъбудасининг рамзий сиймоси акс эттирилиб, бу унсур Шарқ ва Ғарб маданиятини боғловчи восита сифатида хизмат қилади. Умумий жиҳатдан А.Алиқуловнинг маҳобатли рангтасвирдаги ижодий экспериментларига ижобий баҳо бериш мумкин. Рассом изланишлари ўзбек рангтасвирида батал жанрини ривожлантириш имконини бергани билан аҳамиятлидир. Бироқ А.Алиқулов ижодида классик реализмга хос тасвир техникасини мукаммал ўзлаштириш борасида муаммолар мавжуд. Мураккаб тасвирларга бой йирик жанг сахналарининг реалистик кўринишини яратишда мазкур камчилик яққол акс этади. А.Алиқулов машҳур батал усталари каби кенг кўламли, шиддатли воқеаларни тасвирлашга интилса-да, уларга кўп ҳолларда табиийлик, шакллар гармонияси етишмайди. Рассом асарларида реалистик санъат асоси ҳисобланган натуралистик аниқлик, қаҳрамонлар қиёфасидаги психологик кечинмалар етарли даражада мукаммал акс этмайди.

Юқоридаги камчиликлар мустақиллик даврида тарихий мавзуда ижод қилган бир қатор рассомлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Уларда классик анъаналарга юзаки муносабат мавжуд бўлиб, тарихий мавзудаги асарларнинг бадиий жиҳатдан саёзлашуви, схематик ёндашувларнинг кўпайишига тўртки берди. Муаммонинг асл сабабини айрим рассомларнинг академик мактаб тамойилларини чуқур ўзлаштирмагани билан изоҳлаш мумкин. Шу туфайли тарихий мавзуда яратилган асарларнинг салмоқли қисми ижтимоий буюртма доирасида қолиб кетди.

Мустақиллик даврида классик анъаналар ривожини таҳлил қилар эканмиз, мазкур жараёнда тарихий мавзудаги асарлар ҳам салмоқли ўрин эгаллашини таъкидлаш лозим. Тарихий мавзу ривожи сиёсий-мафкуравий

контекстга эга бўлса-да, классик анъаналарга мурожаат ҳар бир рассомда эркин кечди. Ижодий изланишлар айна пайтда “классика” тушунчасининг кенгайишига ҳам туртки берди. Портрет жанрида бу реализм, романтизм анъаналарга мурожаат қилиш билан белгиланса, маҳобатли санъатда Ренессанс ва батал жанри анъаналари ривожда кузатилади. Тўғри, изланишларнинг аксарият қисми формал босқичда қолиб кетмоқда. Мавжуд муаммолар изланишларни давом эттиришни, классик анъаналарни янада чуқур англашни талаб этади.

2.2. Ўзбекистон-Туркменистон маданий алоқалари ва туркман рангтасвир санъатида миллий маданият талқинларининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ва қўшни бўлиб келган. Тарихи, маданий ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак икки халқ бугун ҳам ўзаро ҳамкорлигу ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётир. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга муносабатлар ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшнилик, яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик алоқалари халқларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ўзбек ва туркман халқларининг тили бир ва урф-одатлари бир-бирига яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати умумий. Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди. Асрлар давомида ўзаро аҳил, тинч-тотувликда яшаб келган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янада ривожланди. Бугун Ўзбекистон – Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил равнақ топмоқда.

Албатта, мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ривожига давлат раҳбарларининг яқин дўстлиги, бир-бирига ҳурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркменистонга ташрифлари муносабатларни янада ривожлантириш йўлида янги саҳифа очди.

Ўтган йили май ойида Туркменистон Президенти таклифи билан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 100 нафар ўқувчи Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасидаги “Даянч” болалар соғломлаштириш марказида бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19-20 май кунлари Туркменистонга амалий ташрифи давомида "Аваза" сайёҳлик зонасининг "Камалак" болалар кўнгилочар боғида дам олаётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашди. Бундай тадбирлар ҳам икки қардош халқ ўртасида маданий ва дўстлик алоқалари ривожига хизмат қилади.

Қайд этиш керак, юртимизда истиқомат қилувчи туркман миллатига мансуб аҳолининг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бунда халқ дипломатияси муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик жамияти томонидан икки халқ ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туркман халқи маданияти ва анъаналарини асраш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг туркман миллатига мансуб фуқаролари яшовчи ҳудудларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли лойиҳалар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиняпти. Жумладан, юртимиздаги туркман ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз истеъдоди ва иқтидорини намоён қилишда ёрдам беришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабларда адабий кечалар, учрашувлар ва маданият кунларини ўтказиш анъана тусини олган.

Ўзбек ва туркман халқларининг миллий байрамлари муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқдаки, бу кўп миллатли диёримизда ёшларни ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, ягона Ватан йўлида умумий мақсадлар сари бирлаштириш имконини

бермоқда.Қайд этиш керак, икки қардош халқнинг нафақат урф-одати, яшаш шароити, балки, адабиётга эътибори, маънавият сарчашмалари ҳам бир ирмоқдан сув ичган. Хусусан, 2017 йилнинг май ойида Тошкентда туркман шоири Махтумқули номидаги кўча ва шоир бюстининг очилиши, июнь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ушбу атоқли туркман шоири ижодига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбати фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида таълим олиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, 44 мактабда таълим туркман тилида олиб борилмоқда. Улар давлат таълим стандартлари асосида туркман тилида чоп этилган дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. Жорий йилда кенг жамоатчилик, ота-оналар хоҳиш-истакларига кўра, Президентимиз тавсияси билан 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим жорий этилди. Шу тариқа ўқувчилар ўз она тилида ўрта таълимни якунлаш имконига эга бўлди. Биргина туркман тилидаги мактаблар мисолида оладиган бўлсак, ўқув йили бошида 20 номдаги 18 минг нусхада дарслик чоп этилиб, мактабларга етказилди. Дарсликларни сифат жиҳатдан янгилаш ва бойитиб бориш мақсадида туркманистонлик ҳамкасблар, тилшунос олим ва адабиётшунослар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шунингдек, иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ўтказиладиган турли ижодий танловлар туркман тилида ҳам ташкил этиляпти. Машғулотларни туркман тилида олиб борадиган маҳоратли педагогларнинг илғор тажрибаси оммалаштирилмоқда. Ҳозирги кунга қадар ана шундай устоз-мураббийларнинг икки нафари "Дўстлик" ордени, бир нафари "Шухрат" медали билан тақдирланган. 2009 йилдан Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида туркман филологияси йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрланмоқда.

Туркменистон халқ рассоми, хайкалтарош Б.Аннамуродов ва бошқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, қардошлик алоқалари маданий соҳада ҳам изчил раванқ топаётганини Ўзбекистон Бадий Академиясига ташрифида таъкидлади. Ашхободда мамлакатимиз рассомлари ижодига мансуб кўргазмалар ташкил этилиши ва Туркменистонлик рассомлар ва фотомусаввирлар Ўзбекистонда ўз кўргазмалари иштирок этиши тасвирий санъат борасида ўзаро ҳамдўстликни янада ривожлантиради.

Ватанга, она табиатга, оилага, фарзандларга меҳр-эътибор, миллий кадриятларга эҳтиром ўзбек ва туркман рассомлари ижодидаги муштарак жиҳатлардир. Бундай кўргазмалар ўзаро ижодий мулоқот ва маданий ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Туркменистонлик Б.Бердиев, Д.Ёқубова, М.Ёрмамедов сингари мусаввирларнинг табиат манзаралари, миллий анъаналар, меҳнатсевар кишилар ҳаёти акс эттирилган ўнлаб асарлари билан томошабинлар эътиборига ҳавола этганлар.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз борар экан, қардош халқнинг кўплаб ўғил-қизлари юртимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётганини таъкидлаш жоиз. Бу кўшни мамлакатдан Ўзбекистонга билим ва касб эгаллагани келаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётир.

Туркман халқи Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери яшаб келаётган, туркий тилда сўзлашувчи халқлардан биридир. Туркман халқининг адабиёти ва маданияти, Ўрта Осиёда яшовчи қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг адабиёти ва маданияти сингари, фольклар асарлари шаклида ривожланди. Туркман халқи асрлар давомида чет эл босқинчилари-эронийлар, араблар, мўғул истилочилари, Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида қолиб келганлиги сабабли, туркман миллий адабиёти ва маданиятининг ривожланиши учун зарур шароит йўқ эди.

Шунга қарамай, туркман халқи ўз миллий тилининг софлигини сақлаб қолди, ўз миллий адабиёти ва маданиятини тараққий эттириш учун кураш олиб борди.

Халқ орасида туркман меҳнаткаш оммасининг орзу-умидларини куйловчи эртақлар, достонлар, ангула ва қўшиқлар ҳам кенг тарқалган. Бир қанча туркман халқ латифаларида доно ва тадбиркор Каминанинг образи яратилганки, у ўзининг кўп хусусиятлари билан ўзбек, тожик ва озарбайжон халқ латифаларида кўринган Афанди ва Мушфикий образларига жуда яқин туради. Ёзма адабиёт Туркменистонда тахминан XI-XII асрларда, дастлаб Аҳмад Яссавий ва Али сингари диний мотивларни тараннум қилган шоирларнинг ижоди таъсири остида туркий (чиғатой) тилида юзага келади. XIV асрда туркман ёзма адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган Бурҳониддин Сивосий ва Сайид Имониддин Насимийлар яшаб ижод этдилар. Бу ёзувчилар ижодида ҳам диний-мистик адабиётнинг таъсири яққол сезилиб туради. Лекин шунга қарамай, туркман адабиёти тарихини ўрганишда уларнинг ижоди салмоқли ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, Хоразмда туғилиб, ҳаётини Кичик Осиё шаҳарларида ўтказган Сивосий ўз шеърларини биринчи бўлиб туркман тилида ёзди. У поэзияга аруз вазнини киритди. Ҳунарманд оилада туғилиб ўсган ва ўқимишли киши бўлиб етишган Насимий ўз асарларини Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларида дарбадарликда ҳаёт кечирган йилларида яратди. Насимий ўзининг ўткир ҳажвий асарлари учун руҳонийлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

XVIII аср туркман адабиётининг йирик вакиллари Андалиб, Озодий, Маъруфий, Ғойибий, Шайдоий, Шобанда кабилар ўз ижодларида форс-тожик, озарбайжон ва ўзбек адабиётларининг энг яхши анъаналарини давом эттирдилар. Шоир Шобанданинг "Шоҳ-баҳром", "Гулу Булбул", "Хўжамберди" достонлари ва кўп лирик шеърлари, Маъруфийнинг "Сайфул-мулук-Мидҳал Жамол", "Юсуф ва Аҳмад", "Давлат Эр"

достонлари, Шайдоийнинг "Қиссаи Санав-бар" достони кенг халқ орасида жуда машҳур.

Андалиб тахаллуси билан ижод этган Нурмуҳаммад Ғариб XVIII аср туркман адабиёти тарихида ўзининг лирик ғазаллари ҳамда "Лайли-Мажнун", "Юсуф-Зулайҳо", "Зайнулараб" каби асарлари билан сезиларли из қолдирган шоирдир. Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Хоразмда "Гуруғли", "Шохсанам ва Ғариб ", " Тоҳир ва Зухра", "Ҳурилиқо ва ҳамро", "Саётхон ва ҳамро" каби достонлар окин-бахшилар томонидан тингловчиларнинг талабига қараб гоҳ ўзбек, гоҳ туркман тилида куйланган. Бу эса ҳар икки халқ шоирлари, окин - бахшилари ижодий ҳамкорлигининг анча тез ривожланишига сабаб бўлган. Андалиб мана шу адабий муҳитда қалам тебратганлиги сабабли унинг асарлари, шубҳасиз, иккала халққа ҳам тушунарлидир. Туркменистон Фанлар академиясининг академиги Б. Карриев айтганидек: "Шоир Андалиб ... аксар асарларини ("Уғузнама", "Насими", "Саъди Ваққос", "Юсуф ва Зулайҳо" ва бошқалар) ўзбек ва туркманларга бир хилда тушунарли тил (ва форма) да яратган" Андалиб ғазаллари, достонлари Хоразмда кенг оммалашиб кетган. XVIII-XIX асрларда яшаган Хоразм шоирлари унинг ғазалларига назиралар ёзганлар, мухаммаслар боғлаганлар.

Шуни айтиш керакки, Андалиб лирик ғазаллари билангина эмас. балки эпик асарлари билан ҳам замондош ва ўзидан кейинги қалам аҳллари илҳомлантирган. уларга ижодий таъсир этган. Андалиб ижодидан, хўсусан унинг достонларидан илҳом олиб, баракали ижод қилган ўзбек мумтоз шоирларидан бири Зокиржон Фурқаттир. Фурқатнинг «Сайдинг қуябер сайёд, сайёра экан мандек» мисралари билан бошланадиган машҳур мусаддаси Андалибнинг «Лайли - Мажнун» достонидаги Сайдинг қуябер сайёд, дилпора экан мендек» бошланмали мухаммаси таъсирида ёзилгандир. «Шарқ Юлдузи» журналининг 1966 йил 3 сонида Зухра Толипованинг «Бир мусаддас тарихи» деган мақоласи

босилган бўлиб, унда мусаддаснинг ёзилиш тарихи ҳақида қимматли маълумот келтирилган эди. Муаллифнинг мусаддасдаги Саъдулланинг тарихий шахс эканлигини далиллаш учун келтирган факти бу масалага бир мунча аниқлик киритди. 3.Толипованинг ёзишига қараганда, Саъдулла Ғожиаси билан боғлиқ бўлган воқеа мана бундай . Ўтган аср ўрталарида Тошкентда Иса хофиз деган киши яшаган. Унинг Абдулла ва Саъдулла деган уғиллари бўлган. Абдулла нихоятда хушовоз бўлиб, халқ уни «Абдулла булбул » деб атаган Абдулланинг укаси Саъдулла ҳам хофиз экан. Фурқат ака-ука хофизлар билан шоир Мискин орқали танишган ва кадрдонлашиб кетган. Иса хофизнинг уғиллари Фурқат ғазалларини кўчириб хофизларга, шеър хавасмандларига тарқатишар экан. Саъдулла довюрак, адолатли, халқпарвар йигит бўлиб, Фурқат унинг бу хислатларини жуда хурмат қилар экан. Саъдулла Фурқат томонидан ёзилган хажвияларни уқиб юрганлиги учун бойлар ғазабга келиб, ундан ўч олмоқчи бўлишади. Кунларнинг бирида Иса хофизнинг уйига бир киши келиб Абдулла билан Саъдуллани сўрайди. Саъдулла акаси йўқлигини айтганида, ҳалиги киши: «бўлмаса ўзингиз юра қолинг, зиёфатга айтиб юборишди. Дўстингиз Фурқат ҳам бўладилар», дейди. Фурқат номини эшитган Саъдулла рози бўлади. Улар бир бойникига кириб боришади. У ердагилар Саъдуллани очик юз билан кутиб олишиб уни юқорига ўтказишади. Саъдулла танишларидан уч тўрттасини куради-ю, лекин Фурқатни кўрмай ҳайрон бўлади. Бир оздан сўнг ўтирганлардан баъзилари унга аччиқ гаплар ота бошлашади.Довюрак Саъдулла уларнинг бу гапларига парво ҳам қилмайди. Бу эса ўтирганларнинг жиғига тегади. Хуфтон номозини уқиш учун ўринларидан туришганда Саъдуллани «хурматлаб» олдинга ўтказишади. Саъдулла бошини саждага қўйиши билан орқадан тўрт норгул йигит унга ташланиб, оғзига латта тикишади, кул-оёқларини боғлашади. Шундан кейин катта қора шолга урашади-да, пасткамликлардан судраб бориб, анҳорга ташлашади. Юқоридагилардан маълум бўляптики, Саъдулла- тарихий шахс. Фурқатнинг «Сайдинг қуябер

сайёд... » шеъри Саъдулла хофизнинг фожиавий ўлими муносабати билан ёзилган марсиядир. Хофизлар уни куйга солиб, ашула қилиб юришган. Фурқат адабий мероси танишар эканмиз, шоирнинг Андалиб ижоди, унинг асарлари билан танишлиги, илҳомланганлиги, таъсирланганлиги туғрисида ҳеч қандай маълумот учратмадик. Марҳум профессор Х.Зарифов «Сайдинг қуявер сайёд...» шеърига бағишлаб ёзган бир мақоласида Фурқат мазкур мусаддасни «Лайли ва Мажнун» достонидан ижодий фойдаланган ҳолда ёзганлигини қайд этиб, шундай дейди: «Бизнинг фикримизча, Зокиржон Фурқат шеъриятга берилган йилларида мазкур «Лайли ва Мажнун» достонининг бирор нусхасини ўқиган, классик адабиёт оркали унга таниш "бўлган мазкур эпизод билан боғлиқ ўша мухаммас сезгир шоирнинг юрагига тўкинган». Х.Зарипов тилга олган «Лайли ва Мажнун» достони ва ундаги мухаммас, шубҳасиз, Андалиб қаламига мансубдир. Бизнингча, «Сайдинг қуявер сайёд...» мусаддаси Андалиб мухаммасига татаббуридир. Татаббуъ приймага кўра, бир шоир томонидан бадий қолипга солинган бир хил мазмун бошқа шоир томонидан давом эттирилади, унга эргашиб, уни янги формага, янги ифодага қолипига солинади. Натижада бир мазмун турли бадий формага тушади, турли вариантдаги шеърий асарлар майдонга келади.

Татаббуъ XIX-XX асрлар шеъриятида кенг қўлланган адабий приёмлардан ҳисобланади. Уша даврда яшаб ижод этган Муқимий, Завқий, Аваз каби демократ шоирлар шеъриятдаги бу приёмда кўплаб асарлар яратган. Фурқат ўзининг «Саргузаштнома» асарида бу бадий приём ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «ҳамиша мажлис буёд айлаб зодаи табларимиздин мушоира килур эдик ва бир ғазалда татаббуъ кургузуб, бир мазмун хар ифода топар эрди». Фурқат калбидаги ижодий ниятнинг юзага чиқиши учун шароит, ҳаёт озуқаси керак эди. Шоир ҳаётининг кузатиб юриб, ўз бадий мақсадига мос келадиган ҳаётий ҳодисага - дўсти Саъдулло фожиасига дуч келган. Шундай қилиб, Саъдулло хофиз тақдири

«Сайдинг қуявер сайёд...» мусаддасининг майдонга келишида жиддий туртки бўлган ҳар иккала асарнинг яъни Андалиб мухаммасига ҳамда Фурқат мусаддасини ғоявий бадиий-жиҳатдан қиёсласак, бу фикр яна равшанроқ бўлади.

Иккала ижодкор ҳам зўлм ва жафо кўрган сайдга ачиниш ҳисси билан қарайдир, сайёдни эса, эркинликнинг ашаддий душмани сифатида ланатлайдилар. Андалиб мухаммасидаги мазмун ҳамда сайд ва сайёд образлари мусаддасда ҳам сақланган. Шунга қарамасдан, мусаддасдаги образлар мухаммасдаги образларнинг такрори эмас.

Фурқат дўсти Саъдуллонинг душманлари томонидан қўл-оёқлари боғланган ҳолда ҳар томонга судраб юришлари ҳолатини бўрттириб кўрсатиш учун Андалиб мухаммасидаги образларга мурожаат қилган бўлсада, бу образларга реалистик бўёқлар беришга ҳаракат қилган. Андалиб ўз асарларида Мажнун ҳолатини, унинг қалб изтиробларини кўрсатиш учун оҳу образидан фойдаланган бўлсада, Фурқат бу аллегорик образ орқали қўл-оёғи боғланган Саъдулланинг аянчли аҳволини тасвирлаган.

Юқорида баён қилинган фикрларни хулосалаб айтиш мумкинми, Фурқат туркман шоири Андалиб ижоди, хусусан, унинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги мухаммасдаги илгари сурилган ғоялар Фурқат талқинида янада юқори поғонага кўтарилди. Шоир ўзининг турмуш ҳақидаги олийжаноб орзу-истакларини, эркин ва қўвнок ҳаётга бўлган интилишларини, эрксизликка, ҳақсизликка бўлган нафратини ифодалашда Андалиб тажрибасига таянди, унинг мухаммасига мусаддас билан жавоб бериб, шоирлик исътедодини янада равшанроқ намоён этди. Мусаддасининг ўзбек демократик адабиётининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда. Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб яратган бир қанча дostonлар орасида энг машҳури "Лайли ва Мажнун"

достонидир. Андалиб достонида Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарининг сюжети, образлар системаси тўлиқ сақланган бўлса ҳам, унда шоир XVIII аср туркман халқининг ҳаётини акс эттиришга интиланган. Халқ оғзаки ижодидан баракали фойдаланган. Андалибнинг "Лайли ва Мажнун" асари унинг вафотидан сўнг оғиздан-оғизга кўчиб, халқ орасида кенг тарқалди. Достон туркман тилида насрий ва шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, унда туркман халқ оғзаки ижодининг ҳам кучли таъсири сезилади. Достоннинг сюжети Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонига қараганда анча ихчам, унда баъзи эпизодлар тушириб қолдирилган. Зўр бадиий маҳорат билан яратилган бу асарда Лайли, Қайс, Зайд, Қайснинг ота-онаси образлари жуда ёрқин бўёқлар билан чизилган. Андалиб Навоийнинг кўркўрона тақдидчиси бўлиб қолмаган, балки ўз ишига ижодий ёндашган. Насрий парчаларда шоир кўпроқ асарнинг сюжет чизиғини ривожлантирса, унда салмоқли ўрин тутган шеърий парчаларда эса қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, психологияси ва ички дунёсини очиқ беради. Бу жиҳатдан Лайли ва Мажнун ўртасидаги, Қайс ва унинг отаси ўртасидаги шеърий диалоглар, шунингдек, ғазал ва маснавийлар диққатга сазовордир.

Туркман мумтоз адабиётининг асосчиси Махтумқули мамлакатда Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳукмронлик қилган даврда яшади. Унинг ёшлиги Гургон шаҳри яқинидаги Ҳожигавшан қишлоғида ўтди. Махтумқули Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таълим олди. Эрон кўшинлари билан бўлган жанглардан бирида асир тушган шоир бир неча вақт Эронда яшади. Ўзининг "Чақириқ" номли шеърида Махтумқули туркманларни Эрон босқинчиларига қарши курашга даъват этади. Шоир туркман халқини озод ва туркман тупроғини обод кўришни орзу қилар эди. Махтумқули туркман шеъриясида шакл ва мазмун новатори бўлиб қолди. У ғазалчиликни ҳар томонлама мукаммаллаштирди, ғазалда ишқ-муҳаббатни ижтимоий мавзу билан боғлаб ривож-

лантирди. Махтумкули шеърларининг вазни равон, ўйноқи тили эса жуда содда бўлганлигидан халқ орасида тез тарқалди, куйга солиниб айтиладиган бўлди.

XVIII-XIX асрлар туркман адабиёти тараққиёти. XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирлари Саидий, Котибий, Мискин Қилич ва Зелилий туркман адабиётида Махтумкули ижодининг давомчилари эдилар. Саидий Эрон подшосининг асири, Зелилий эса Хива хонининг тутқуни сифатида жуда кўп қийинчиликларни кечирдилар. Бу шоирлар ўз ватанларидан узоқда яшаган бўлишларига қарамай, уларнинг шеър-лари ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган. Саидий ва Зелилийнинг эҳтиросли сатрларида, бир томондан, ўша замоннинг золим подшолари, беклари шафқатсиз танқид қилинса, иккинчи томондан, туркман халқига чуқур муҳаббат ҳисси маҳорат билан ифодаланади, туркман чўли, шаҳар ва қишлоқларининг жонли тасвири чизилади. Туркман мумтоз шоирларининг яна бир намояндаси Мулло Напас туркман тарқоқ қабилалари бирлашиб, аввал Хива хонига, сўнг Эрон шоҳи аскарларига қарши озодлик ҳаракатини кучайтирган бир вақтда яшади. У ўз ватандошларининг озодлик учун олиб борган курашларда эришган ютуқларини кўриб беҳад қувонди. Мулло Напас ўз лирик ва эпик ижоди билан ҳам халқ оғзаки ижодида, ҳам ёзма адабиётда муносиб ўринни эгаллайди. Унинг лирикасида ижтимоий мотивлар кўп кўринмаса-да, шеърлари ғоят содда ва равон ёзилган. Мулло Напас ўз шеърлари орқали туркман мумтоз поэзиясига озарбайжон, ўзбек ва тожик шоирларининг яхши анъаналарини сингдирди, ишқий мавзуда ёзилган шеърларида ҳам туркман халқининг кундалик ҳаётини ёрқин акс эттирди. Адабиёт тарихида Мулло Напас ўзининг бизгача етиб келган ўзининг иккита мазмундор достони билан машҳур. Улардан бири "Гелмишам" ва иккинчиси "Зўхро ва Тохир" дostonларидир. "Гелмишам" достонида шоир дунёвий пок севгининг ҳар қандай илоҳий

кучдан ҳам - ажал фариштаси, Муҳаммад пайғамбар ва ҳатто худодан ҳам устун эканлигини Непес номли ошиқ йигит ва унинг садоқатли маъшуқаси образларида усталик билан баён қилган. "Зўхро ва Тохир" Тохир ва Зўхролар тўғрисидаги машҳур сюжет, афсона ва образлардан ижодий фойдаланиб ёзилган тамоман янги, оригинал асардир. Достонда тасвирлаишича, Тохир билан Зўхро бир-бирларини севадилар, лекин золим хон Бобоҳон ва ўша замондаги феодал муҳит бу икки ёш қалб севгисининг фожиали якунланишига сабаб бўлади. Тохир ва Зўхро эски урф-одатлар ва зўравонликнинг қурбони бўладилар. Аммо буюк инсонпарвар шоир достон воқеасининг фожиали тугалланишини истамайди, ўз севимли қаҳрамонларининг ҳалок бўлишини эп кўрмайди. Шунинг учун у Тохир билан Зўхро севгиси тўғрисидаги воқеани давом эттиради. Достонда ҳикоя қилинишича, золим Бобоҳон тахтдан йиқитилиб, унинг ўрнига Одилшоҳ номли маърифатпарвар, адолатли ҳукмрон ҳокимият тепасига чиқади. Меҳнаткаш халқ эркин нафас олиб, мамлакат обод бўлади. Ана шундай фаровон ҳаёт шароитида Тохир ва Зўхро қайта тирилиб, ўз душманларидан қасос оладилар. Пок дунёвий севги ўлим устидан ҳам, қора кучлар устидан ҳам ғолиб келади. Ошиқ ва маъшук мурод - мақсадларига етадилар.

Қардош ўзбек, тожик ва қирғиз адабиётларида бўлгани каби, туркман адабиёти тараққиётининг биринчи даврида ҳам (1905-1929) поэзия етакчи жанр бўлиб қолди. Бу вақтларда халқ шоири Кўр-муллонинг "Большевик" достони, Дурди Қиличнинг "Золимлар", "Камбағаллар", Мулло Муртнинг "Туркменистон учун азизсан", "Озодлик" сингари шеърӣ асарлари даврнинг долзарб масалаларига бағишланган эди. Номлари тилга олинган халқ шоирларидан ташқари, бу давр туркман адабиётига Б. Кербобоев, А. Аламишев ҳам ўзларининг биринчи шеър, достонлари билан кириб келдилар. Улар яратган "Сона" (А.Аламишев), "Қизлар дунёси", "Одатнинг қурбони" (Б.Кербобоев) достонлари туркман

поэзиясининг дастлабки йирик асарлари эди. Б. Кербобоев ва А. Дурдиевлар ўзларининг биринчи ҳикоя ва повестлари билан проза жанрини, Ота Кавшутов эса "Закаспий фронти" пьесаси билан драматургия жанрини бошлаб бердилар.

Проза соҳасида Б.Кербобоевнинг "Дадил қадам" (II қисм), "Небитдоғ"; О.Кавшутовнинг "Копетдоғ ён бағриларида" романлари; Беки Сейтаковнинг "Ўғилнинг совғаси", "Замондошлар"; Х. Исмоиловнинг "Икки отанинг ўғли" повестлари пайдо бўлди. Бу асарлар туркман ёзувчиларининг номини китобхонларига танитди. Б.Кербобоев "Ойсултон" ва "Небитдоғ" асарларида замонавий мавзуга мурожаат қилади. "Ойсултон" повестида Ойсултон ва Бекенч сингари ёшларнинг соф севгиси, меҳнати, оилавий ҳаётидаги янгиликларни тарғиб этган ёзувчи "Небитдоғ" романида туркман ишчилар синфининг ҳаёти ҳақида ёрқин бадиий манзара яратишга муваффақ бўлади. Ҳар икки асарда ҳам меҳнатсеварлик олижаноб фазилат эканлигини кўрсатади. Ўзбек-туркман халқларининг дўстлик ва «қардошлик тарихи Амудай узун» (Ғайратий). Бу қардошлик уларнинг адабиёти ва оғзаки ижодиётида чуқур из қолдирган. Гўрўғли бир қанча туркман халқ эпосларининг бош қаҳрамони бўлганидай, қирқдан ортиқ ўзбек халқ дostonлари ҳам унинг мардлик-олижаноблик хислатларини тасвирлашга бағишланган. Тоҳир ва Зухра, Ошиқ ва Ғариб сингари пок севги тимсоллари ҳар икки халқда ҳам зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади.


А.Навоийни Махтумқулиустоз сифатида қадрлади, унинг гуманистик ғояларини янги тарихий шароитида ривожлантирди. Ўз навбатида, Махтумқули ижоди ҳам ўнлаб ўзбек ғазалчи адиблари ижодига баракали таъсир кўрсатди. Туркман китобхонлари ҳозирги вақтда Ойбекнинг «Навоий» ва «Қутлуғ қон», А.Мухторнинг «Опа-сингиллар», Ж.Шариповнинг «Хоразм», Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романларини, А.Қаҳҳорнинг

«Синчалак» повестини, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун, Зулфия, А.Орипов, О.Матжон, У.Азим, Хуршид Даврон, Н.Нарзуллаев, М.Бобоевларнинг шеърий асарларини ўз она тилларида ўқимокдалар.

Ш.БОБ. “ТУРКМАНИСТОН УРФ-ОДАТЛАРИ. ТЎЙ МАРОСИМИ РАНГТАСВИР АСАРИ” ДЕБ НОМЛАНГАН АСАРИ ВА УНДА АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНИ

3.1. “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” мавзусидаги асар композицияси устида ишлаш

Туркман урф-одатлари рангтасвир санъатининг азалий мавзуларидан бири саналади. Шунга кўра туркман рассомларидан Д.Ёрмамедова, И.Қличев бошқа рассомлари асарларида халқ турмуш тарзи, анъанавий маданияти ўзига хос тарзда талқин этилди. Айниқса, тўй ва у билан боғлиқ урф-одатлар туркман рассомларининг энг муҳим мавзуси саналади. Магистрлик диссертациясининг учинчи боби анъаналарга бой туркман тўйларининг танланганлиги бежиз эмас. Зеро, тўй маросимлари ҳар бир халқнинг маданиятини тўлиқ ифодалаш имконини беради. Шу сабабдан тўй маросимининг куёв карвони тасвирида бу яққол кўзга ташланади.



Асар учун ишланган эскизлар

Асар композициясини яратишда ҳар хил деталлар, турли шакллардан фойдаланишга қаратилган эскизлар яратилди. Аммо, тўй маросимини бир композиция доирасида талқин қилиш имкони бўлмаганлиги сабабли икки

хил композиция устида эскизлар яратилди. Бунда композиция тузилиш жиҳатидан горизонтал ва вертикал ҳолатдан иборат бўлди.

Асарни яратишда Иззат Қличевнинг асарларидан таъсирланган ҳолда яратилди. Рассом асарларида туркман авангарди услубида миллий рангтасвир анъаналари шаклланган. Рассомнинг айнан тўй мавзусидаги асарлари мавжуд бўлмасида, туркман халқига хос меҳнат жараёнлари, этномадний хусусиятлари ўзига хос талқин этилган. Шу маънода қадимги туркманларнинг урф-одатлари, хусусан гилам тўқиш, тўй маросимидан олдинги тайёргарлик жараёнлари ўзига хос талқин этилган.

Иззат Қличевнинг образ яратиш маҳорати, ранглардан фойдаланиш услублари, аёлларнинг кийиниш одатлари маҳорат билан талқин этилган. Рассомнинг “Тўқувчи қиз” (1969), “Ўроқ ушлаган қиз” (1970), “Аёл портрети” (1971), “Қиз портрети” (1971) асарларидаги образларни яратиш маҳоратидан таъсирланган ҳолда яратилди.

Мавзуни танлашда туркман гиламчилиги билан машҳур бўлганлиги сабабли дастлабки даврларда гилам тўқиш жараёнларини тасвирлаш мақсад қилинди. Гилам тўқишга бағишланган эскизлар ҳам ишланди. Аммо, гилам тўқитиш жараёнлари рассомлар томонидан кўп ишланганлиги ва гилам тўқиш маросими туркман урф-одатларини тўлиқ кўрсата олмаганлиги сабабли диссертациянинг амалий қисмига тўй маросимларини тасвирлашга эътибор қаратилди.

Тугман гиламларини тўқиш жараёнлари билан боғлиқ эскизларда композициянинг чап томонидан осифлиқ тайёр гилам ва ўнг томонида гилам тўқиш билан машғул тўқувчи аёл қиёфаси тасвирланган. Унинг атрофида тўқувчи аёлнинг болалари велосипеди билан тасвирланган. Олд планда ёзилган дастурган устида иккита катта патир нонлар ифодаланган. Тўқ қизил рангларда сюжетнинг сокин талқини тўқув жараёнининг ўзига хос талқинини вужудга келтирган. Миллий муҳит ва оддий тўқувчи аёлнинг ҳаракатларини талқин этиштуркман ҳунарманд аёлларининг

умумий қиёфасини талқин этишга кенг имкон яратган бўлсада, мавзу туркман халқи урф-одатларини тўлиқ талқин қилиш имконини бермайди.



Гилям тўқиш жараёни.

Диссертациянинг амалий қисмида иккинчи вариант сифатида болалар билан боғлиқ туркман урф-одатларини талқин қилишга уриниб кўрилди. Ўзбек халқида бўлгани каби туркманларда ҳам бола туғилиши билан боғлиқ қатор урф-одатлар мавжуд. Одатда болалар билан боғлиқ урф-одатлар улар туғилмасдан олдин амалга оширила бошлайди. Бунда тўлиқ ҳолатда миллий урф-одатларни қамраб олиш имкони мавжуд бўлмаганлиги сабабли асар яратишга бошқа мавзу танланди.

Асарда болани чўмилтириш маросими ифодаланди. Беш нафар аёл билан яланғоч ҳолатда тик турган ҳолда тоғорага солиб чўмилтирилаётган болакай ва беш нафар айл қиёфаси ифодаланган.



Болани чўмилтириш маросими

Одатда чўмилтириш маросими бола чақалоқлик пайтида чилласи даври ўтгандан сўнг боланинг бувилари бошчилигида қариндош-уруғ аёллар томонидан амалга оширилади. Аёлларнинг тиззалаб ўтирган ҳолати боланинг сим дорларга осилган кийимлари, тоғора олдида боланинг оёқ кийимлари. Буларнинг барчаси маросимни табиий равишда талқин этиш имконини берган. Талқинда иложи борица табиийликка эътибор қаратилган. Аёлларнинг кийинишидан тортиб, болани чўмилтиришдаги ўтирган ҳолатигача бўлган барча хусусиятлари ўзига хос талқин этилган.

И.Қличевнинг асарларида болалар мавзусига кўп эътибор берилмаган бўлсада, айрим асарларида болаларнинг тасвирлари ҳам учрайди. Рассомнинг 1970 йилда яратилган “Колхоз болалари” асари композицион жиҳатдан Ж.Умарбековнинг “Дўстим Баҳодир” асари композициясига яқин яратилган.

Болалар билан боғлиқ асарни яратишда И.Қличевнинг “Колхоз болалари” асари композициясидан таъсирланиб туркман болалари ҳаётини кўрсатишга интилинди.



Менинг оилам

Боласини эмизаётган аёл, унинг ёнида бири орқа тарафда, яна бири ён тарафда тасвирланган катта ёшдаги йигит қиёфаси оддий туркман

оиласининг ўзига хос ментал хусусиятларини кўрсатишга хизмат қилган. Асар ортиқча деталлардан холи услубда сокин кайфиятда талқин этилган. Онаниг кийимлари ва болаларнинг ҳолати оддий оилада она ва болалар муносабатининг бир қўринишини талқин этиши билан ажралиб туради.

Туркман маданияти ва урф одатлари жуда хилма хил. Шу сабабдан туркманлар урф-одатларини тўлиқроқ тасвирлаш мақсадида тўй маросимини танлаш қарорига келинди. Тўй маросимида барча миллий хусусиятлар, халқнинг эътиқодий қарашлари, ахлоқий мезонлари талқин этилишига имкон яратилади.

3.2. Асарда туркман халқи тўй маросими талқини

Туркман маросимларини кўрсатишнинг энг мабул йўли сифатида тўй маросимларини талқин этиш танланар экан, тўйнинг энг қизқи қисми келинни олиб келиш жараёнлари танланди. Ўзбек рассомлари ва туркман рассомлари орасида тўй маросимини талқин этишга кўп марта мурожаат қилинган бўлсада, келин олиб келиш жараёнлари ўзига хос талқин этилган. Тўй маросимларида иштирок этадиган халқнинг кайфияти, кийиниш маданияти, либсолардаги ранглари ва маросимларда ўтказиладиган одатларни талқин қилишдан олдин образларнинг характер хусусиятларини яратишга эътибор қаратилди. Тўйда иштирок этадиган одамлар қиёфасининг қатор эскизлари ҳосил қилинди. Образлар орасида тугун кўтарган момолар қиёфаси, бошига турман телпакларини кийган болалар, созандалар, қарнайчи ва сурнайчининг ижро этиш жараёнлари, доирачи қиёфалари, дўмбира чалаётган бахши, туяда ўтириб келаётган келин, тўйона кўтариб келаётган эркаклар қиёфаларининг бир нечта вариантлари яратилди. Ҳар бир образда туркманларга хос хусусиятларини талқин этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу образларнинг умумлашма образларини ҳаёқил қилишда композицияни тартибига эътибор қаратилди. Юқорида келтирилганидек, горизонтал ва вертикал ҳолатдаги талқинларга

муносабатда тўй маросимнинг ўзига хос белгилари ўзини номоён эта бошлади.



“Туркман тўй маросимлари” асари учун эскизлар

Образларни яратишдаги уларнинг мимикаси, тўй кайфиятидаги ҳолатини талқин қилиш учун улардан фрагментлар ҳам ишланди. Фрагментларда аёллар ва эркеклар кийёфасининг ўзига хос ҳолатлари таъсирчан талқин этилди. Унда характер ва кайфиятдан ташқра ибош кийимлари, тақинчоқларнинг тасиврланашига алоҳида аҳамият берилди.



Аёллар фрагменти

Эркаклар қиёфасини талқин этишда ҳам уларнинг характери ва кайфиятларини кўрстаишга эътибор қаратилди. Айниқса эркакларнинг ёш ва бош кийимларини алоҳида эътибор билан илашга аҳамият қаратилди. Чунки, бош кийимлари эркакларнинг жамиятда тутган ўрни ва характерини кўрсатишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.



Эркаклар фрагменти

Тўй маросимлари композициясини яратишда унинг горизонтал ёки вертикал ҳолатдаги ифодасини ҳосил қилишга эътибор қаратилди. Вертикал ҳолатдаги композиция тузилиши асардаги ҳаракатларни тўлиқ ифодалаш имконини бериб, воқеаларни аниқ ва равон тасвирлага йўл очиб берди. Ушбу ҳолатда келинни олиб келиш билан боғлиқ турмкналарга хос маросимларнинг ўзига хос хусусиятлари талқин этилиш имконига эга бўлинди.



Тўй композицияси эскизи



Эскиз

Тўй маросимни кўрсатишда горизонтал композиция тўй жараёнларини тўлиқ ифодаш имконини бермаганлиги сабабли вертикал ҳолатдаги композиция тузиш маъқул топилди.



Эскиз

Асарни туркман тўй маросимларини кўрсатиш эмас, балки тўй карвонини кўрсатиш мақсад қилинганлиги номоён бўлади. Образларни талқин этишда эскизлардан ҳосил қилинган тажрибилар умумлаштирилиб, ўзига хос композиция яратишга эътибор қаритлди. Асардаги композицион ечим нафақат туркман рассомлари асарларидан таъсирланиш, балки атрофда бўлаётган воқеалар, шахсий кузатувларнинг махсули бўлади. Туркменистон маданиятини кўриб билишдан ташқари унинг турли табиатини ҳис қилиш натижасидан келиб чиқиб асарларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу сабабдан тўй маросимда туркманларга хос

урф-одатлардан ташқари халққа хос менталитет, табиат, юз тузилиши, мимикасини талқин этишга ҳам эътибор қаратилди.




Тўй асари учун ишланган эскиз

Тўй маросимларини горизонтал ҳолда тасвирлаш юқорида айтилганидек урф-одатларни тўлиқ талқин қилиш имконини бермайди. Созандалар, отлиқлар, тўй иштирокчиларининг шўх-шодон рақслари, нон кўтариб кетаётган аёл ва туя устида келаётган келиннинг тасвири тўй характерини кўрсатишдан кўра карвонни англатади.




Асар учун ишланган эскиз



Асар учун ишланган эскизлар

Рангларни талқин этишда иссиқ ранглардан фойдаланилди. Асарнинг олд планида бола кўтарган она, доира чалиб келаётган созанда аёл, келиннинг қариндошлари ва бошқалар тасвирланган. Тасвирдаги композиция 1930 йиллар авангардида учрасада, тўй маросими мавзуси учрамайди. Композициясининг қурилишида тилла рангдаги бўёқлардан фойдаланилган, шунга мос пушти ва қизил ранглар ишлатилган. Композицияда келин келаётган туянинг тасвири унчалик кўзга ташланмайди. Тасвирда бир ёқламалик, тўйдан кўра карвоннинг узок сафарга чиқиши кўзга ташланади. Тўй маросимдаги шодон кайфият асарда кўзга ташланмайди. Туркманлардаги урф-одатлар қандай эканлигидан

қатъий назар тасвирда маросимни байрамона кайфиятда тасвирлаш муҳим аҳамият касб этиши лозим ҳисобланади.



Бобга хулоса қилиб, асар композициясини қуришда тўй маросимининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, унинг шукуҳини тасвирлашга эътибор қаратилди. Аммо, тукрман урф-одатлари, тўй маросимларини талқин этишда серияли асарлар полиптихлар яратиша мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Глобаллашув шароитида инсон диди, эстетик дунёқарашини тарбиялаш ҳар қандай миллатнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш долзарб муаммо даражасига кўтарилмоқда. Маънавий маданиятнинг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланган тасвирий санъатнинг бунда муҳим аҳамият касб этади. Ўзгалликни ҳарким ўз дунёқараши ва ҳиссиётларида турлича кўради. Ижодкорасарларида воқеликни ўз дунёқараши махсули бўлган фантазияси, мавзуга бўлган ёндашуви натижасида қайта акс эттиради. Фан техника юксак тараққий этиб ривожланаётган замонавий санъат даврининг тезкор ҳаётини акс эттириш билан бирга уни талқин этишда турли услублар ва жанрларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Собик тузум парчалангач унинг ўрнида пайдо бўлган барча давлатлар санъати миллий ўзига хусусиятлар талқинига алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий Туркманистон рангтасвир санъатида миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар талқинининг ўзига хос кураши нафақат халқ миллий маданияти тарғибига, балки миллий рангтасвир санъатининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига олиб келди. Рангтасвирда ғоя, ранг, шакл тушунчаларининг янги мезони вужудга келди.

XX асрнинг бошларида ўзбек рангтасвири турли мавзу ва жанрлар билан бойиб, ўзига хос услублар асосида йўналишлар пайдо бўлди. Реалистик йўналишда ижод қилган рассомлар билан бирга авангард йўналишда ҳам қатор ижодкорлар фаолият юрита бошладики, бу миллий авангард йўналиши сифатида ўзбек рангтасвирининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ушбу ижодкорларнинг кенг қамровли ижодий фаолиятини ўрганиш, рангтасвирдаги ўзига хос услубини тадқиқ этиш ва асарларини таҳлил қилиш орқали рассомларнинг замонавий ўзбек миллий тасвирий санъатининг бугуни ва эртасида тутган ўрнига баҳо бериш долзарб мавзулардан бири саналади.

Ўзбекистон замонавий рангтасвирида анъанавий маданият талқини кенг ва барча йўналишларда кузатиш мумкин. Бу ўринда урф-одатлар ва унинг тасвирий санъатдаги тўлиқ акс этмаган тарихий тахлили замонавий рангтасвир санъатида миллий анъаналар талқинини алоҳида объект сифатида ўрганиш, унда миллийлик ва ғарб классикасининг ўрнини баҳолаш лозим эканлигини кўрсатдики, бу санъат соҳасида долзарб вазифаларидан бири эканлигинитасдиқлади.

Диссертацияда Ўзбекистон рангтасвирида халқ анъанавий маданияти талқинининг ўзбек миллий рангтасвири ривожланишидаги ўрни, мустақиллик даврида замонавий ўзбек тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилиш, ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, мазкур йўналишда ижод қилган рассомларнинг ижодий шаклланиш босқичларини тахлил этиш орқали биринчи марта туркман урф-одатларининг рангтасвирдаги талқини илмий тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг вазифалари мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Мавзуга алоқадор бўлган фактологик манба ва адабиётларни тўплаш, илмий изланишлардаги маълумотларни умумлаштирилди.
- Халқ анъанавий маданияти намуналарининг рангтавирдаги ифодаси ва унинг миллий рангтасвир санъати ривожига қўшган ҳиссасини тахлил этилди;
- Замонавий рангтасвир санъатининг анъаналари ва унинг бугунги кундаги янги тенденцияларини шаклланишида халқ анъанавий маданиятининг бадиий, эстетик ўрнини ўрганиб чиқилди;
- Рассомларнинг ижодидаги услубий ўзгаришларини тахлил этиш орқали уларнинг ижодий шаклланиши таъсир кўрсатган асосий факторларни аниқланиб, халқ анъанавий маданиятининг қайси жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда ва уларнинг ижодларини босқичларга ажратилди.

- Рассомлар ижодида миллийлик ва замонавийликнинг услубий ўзига хослигини таҳлил этиш орқали туркман рассомлари ижодида миллий анъаналар ва урф-одатлар талқинининг бадиий ва илмий хусусиятларини ўрганилди.
- Миллий урф-одатлар талқинининг ўзбек ва туркман рассомлари ижодидаги талқинларини қиёсий ўрганилди.

Диссертацияда Ўзбекистон ва Туркменистон рангтасвир санъатида халқ анъанавий маданияти талқинларига мурожаат ва уларнинг миллий рангтасвир санъати ривожланишидаги аҳамияти, замонавий тасвирий санъатда вужудга келган янги тенденциялари хронологик таҳлил этилди. Мавзуга оид тўпланган материаллар таҳлил этилиб, халқ анъанавий маданиятининг ўзбек ва туркман рангтасвир санъатидаги талқинлари рассомлар ижоди мисолида қиёсий тадқиқ қилинади, улар ижодидаги ўхшашлик ва фарқлар, услубий изланишлардаги ўзига хослик илмий ўрганилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Расмий манбалар:

- 1.1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008 йил.
- 1.2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.–Тошкент: Ўзбекистон. 2000 йил.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.–Тошкент: Ўзбекистон. 2000 йил.
- 1.4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2000 йил.
- 1.5. Каримов И.А. Маънавият юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон. 1998 йил.
- 1.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон. 1998 йил.
- 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997 йил.
- 1.8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. – Тошкент: Ўзбекистон 1996 йил.
- 1.9. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Тошкент: Ўзбекистон. 1991 йил.
- 1.10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 1977.

II. ИЛМий МАНБАЛАР:

- 2.1. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон Миллий портрет санъати. –Тошкент: 2011 йил.
- 2.2. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон санъати тарихи. –Тошкент: 2007 йил.
- 2.3. Аҳмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиция, самобытность, диалог. –Ташкент: 2004 год.
- 2.4. Валиулина Н. Рузы Чарыев. –Ташкент: 1983 год.
- 2.5. Лаковская В.Л. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент: 1991 год.
- 2.6. Махмудов Т. Эстетика живописи Узбекистана. –Ташкент: 1997 год.
- 2.7. Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана (вторая половина XIX века до 60-е гг. XX века). – Ташкент.: 1972 год.
- 2.8. Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. –Ташкент: 1968 год.
- 2.9. Хакимов А.А. Ўзбекистон санъати. –Тошкент: 2001 йил.
- 2.10. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986.


III. ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ


- 3.1. Аҳмедова Н. Давр ва рассом. // Ж. SAN`АТ.-Т., 2001-№3-Б.12-13
- 3.2. Булкина И. Майсаларнинг шивирини тинглаб.// Ж. SAN`АТ.-Т., 1999-№2-Б.13-14 .
- 3.3. Жўраева Л. Ижод қилиш – ўзини намоён этишдир. // Ж. SAN`АТ.-Т., 2002-№1-Б.14-15.
- 3.4. Махмудов Т. XX аср санъатида реализм. // Ж. SAN`АТ.-Т., 1999 - №1-Б.12-13.
- 3.5. Норматов Н. Рўзи Чориевни эслаб...(Рассом таваллудининг 80 йиллигига).// Ж. SAN`АТ.-Т., 2011-№3-Б.12-13.
- 3.6. Норматов Н. Ўзбекистон рассомлари-Мустақилликнинг 20 йиллигига.// Ж. SAN`АТ.-Т., 2011-№3-Б.12-13.
- 3.7. Тоқтош Р. Санъатнинг макони хусусида.// Ж. SAN`АТ.-Т., 1998-№1-3-Б.6-7.
- 3.8. Хакимов А.А. Мовий арғумоқлар.– сарик товус: 1990 йиллар рангтасвирида қочиримлар. // Ж. SAN`АТ.-Т., 1999-№1-Б.9-11.
- 3.9. Хакимов А.А. Искусство нового Узбекистана. // Ж. SAN`АТ.-Т., 1999-№2-Б.3-5.
- 3.10. Хакимов А.А 1920-1980 йиллар Ўзбекистон санъати. // Ж. SAN`АТ.-Т., 1999-№4-Б.12-13.




















Волонтер
башар



Равонда
бош

Рецензия

на дипломную работу, представленную к защите степени - магистр, выпускника Национального института художеств и дизайна имени К.Бехзада АХ Узбекистана – Умирова Карима Авазовича

Рассматривается произведение станковой живописи - “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими”. В данном произведении автор стремится показать этнокультурную традицию, символические и психологические подробности одного из основных моментов туркменской свадьбы – увоз невесты в дом жениха.

Интересен вертикальный замысел ленточной композиции, со значительно завышенной точкой зрения. Композиция построена в виде шествия участников свадебного поезда, чередующихся фигур людей в праздничных одеждах, нарочито изображенных в качестве широких цветовых акцентов. Локальные цветовые плоскости, вполне уравновешены между собой, состоят из традиционной палитры, излюбленной туркменским народом – алого, гранатово-красного, охристо-желтого, зеленого, белого. Причем, автор удачно передает атмосферную особенность сухого климата посредством приглушения цветовой гаммы. Эмоциональную динамику композиции придает разделение шествия на две основные группы фигур, или на два плана, в которых прямые линии изображений - свернутого ковра на переднем плане задает ритм, а скрещенные духовые инструменты (карнаи) выступают своеобразной аполгией свадебного поезда.

Замечательна полнота этнографической характеристики, с детальной передачей портретных образов, народных костюмов, праздничного убранства верблюда и т.д. Это целая галерея портретов, женщин и мужчин, разных по возрасту и настроению. Всё это свидетельствует о внимательном отношении Карима Умирова к выбранной теме.

В целом, многоплановость образов выполнена вполне убедительно, что показывает попытку автора, направленную к освоению традиций реалистической и декоративной живописи узбекской и туркменской национальных школ, в частности наследия творчества таких художников как - Рузы Чарыев и Иззат Клычев, о чём подчеркивается в диссертации дипломанта. Ощущается понимание автора того, что художественный замысел способен отразить не только фольклорную поэтику обычаев и любование знаменитым туркменским прикладным искусством, но может стать отображением действительности.

Посредством кистевой техники автор добивается легкой воздушной живописи, главенства моделирующей роли цвета, когда рисунок практически утопает в цвете. Неподдельный интерес к теме наблюдается в большой серии уверенных графических и живописных эскизов, а также в серии композиционных эскизов дипломанта. Показательно и то, что живописная композиция построена в процессе изучения предмета от моментов восприятия к обобщению.

Данная работа (живописное произведение и диссертация) отвечает требованиям, предъявляемым к выпускным работам, и дает основание для рекомендации к присуждению искомой степени - магистр.

кандидат искусствоведения,
старший научный сотрудник
Института искусствознания АН Уз.



З.Ж.Алиева

**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтини Тасвирий санъат факультети “Рангтасвир (дастгоҳли)”
мутахассислиги битирувчи магистранти Умиров Карим Авазовичнинг
“Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими” мавзусидаги
магистрлик диссертациясига ички тақриз**

Диссертацияда ўзбек ва туркман рассомлари ижодида миллий урф-одат ва анъаналар талкини муаммолари ўрганилган. Унинг “XX-XXI аср бошлари Туркменистон миллий урф-одатлари ва рангтасвир санъати” номли бобида Туркменистон этномаданияти ҳақида маълумот, Туркменистон рангтасвир санъати ривожланиш босқичлари ва миллий анъаналар ифодасининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишида туркман миллий маданиятининг тутган ўрни тадқиқ этилган.

Диссертациянинг “Замонавий ўзбек ва туркман рангтасвирида миллий маданият талкинларининг ўзига хос жиҳатлари” номли иккинчи бобида ўзбек рангтасвир санъатида миллий анъаналар талкинларининг услубий жиҳатлари, Ўзбекистон-Туркменистон маданий алоқалари ва туркман рангтасвир санъатида миллий маданият талкинларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Унда туркман ва ўзбек рассомларининг миллий анъаналар талкинига муносабати тадқиқ этилган.

Магистрлик ишининг “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” деб номланган. Унда “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими рангтасвир асари” мавзусидаги асар композицияси устида ишланган жараёни ва асарда туркман халқи тўй маросими талкинларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хулоса қисмида миллий анъаналарнинг тасвирий санъатдаги талкинларининг бадий ва илмий хусусиятлари, талкин ва рассом ижодий услубининг миллий анъаналар талкинига таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Магистрлик диссертациясида айрим имловий ва услубий хатолар мавжуд. Аммо, бу ишнинг савиясига таъсир кўрсатайди. Диссертация магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга жавоб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тасвирий санъат факультети “Рангтасвир (дастгоҳли)” мутахассислиги битирувчи магистранти Умиров Карим Авазовичнинг “Туркменистон урф-одатлари. Тўй маросими” мавзусидаги магистрлик диссертациясини тугалланган деб ҳисоблайман ва уни ижобий баҳога тавсия этаман.

**“Тасвирий санъат тарихи
ва назарияси” кафедраси мудири**

